


ХОСИЯТ РУСТАМОВА

# ДЕВОР

*Шеърлар*



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2006

84 (5У)6

P 92

Рустамова, Хосият.

P 92 Девор: Шеърлар / Ж.Рустамова. — Т.: Фафур Гулом  
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. — 160 б.

Ҳар ким шеърни ҳар хил ёзади, уни шеърхон ҳам ўзича тушунади,  
ўзича талқин қилади. Хосиятнинг шеърлари шеърхонни ўйлашга, баҳсга  
чорлайди, хаёлларини беихтиёр ўзига қаратади. Янгича ташбиҳлар, янгича  
— фавқулодда хулосалари билан янада жозибали туюлади...

Яхшиси, китобни ўқиганда ўзингиз ҳам буни сезасиз, ҳис қиласиз, шон-  
ранинг теран фикрларига қўшиласиз...

ББК 84 (5У)6

P <sup>4702620202-14</sup>  
~~M352(04)—2006~~ қатъий буюртма, 2006

ISBN 5-635-02423-8

© Хосият Рустамова,  
Фафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2006 й.



...Бу деворнинг шу ёғида  
Ўлган Шоирни дафн этиб,  
Бу деворнинг у ёғида  
Қолган Шоир учун йиғланг!..

\* \* \*

*Ромиз Ровшан*

Йўқ, бунақа бўлмайдди яшаш,  
Наҳот, шундай яшайман токи...  
Мен жонимни худодан эмас,  
Ўировлардан олдим гўёки...  
Йўқ, бунақа бўлмайдди яшаш.

Ҳар бир дарахт,  
Ҳар битта гиёҳ  
Бунча ювош, бунча боадаб!  
Айтганини қилади Дунё —  
Ўтирмайдди кўнглингга қараб.  
Йўқ, бунақа бўлмайдди яшаш...

Ўзни қўлга оласан аранг,  
Ич-ичингга чўқади фарёд.  
Бир озгина кўпроқ яшасанг —  
Таъна қила бошлайди Ҳаёт.  
Йўқ, бунақа бўлмайдди яшаш...





## МАКТУБ

Далалар ҳам бўлган унут,  
Хотирамдан ўчган боғ.  
Эсдан чиққан ёмғир, булут —  
Эсдан чиқиб кетган тоғ.  
Сен бормидинг —  
Қайда бўлсам,  
Мен кўрмадимми ёки...  
Бирор итдан кўрққан бўлсанг,  
Ташлаб қочгансан балки.  
У-в-в-в, йўллардан,  
(Мени кечир)  
Наҳот, Сен ҳам ўтгансан?  
Қачонлардир, О, қачондир  
Ўнутилиб кетгансан.

\* \* \*

Келиб қолдим — қандай қилиб?!  
Қайтай десам — йўллар йироқ.  
Кўрқув, ваҳм келар кириб —  
Ҳеч қаерда ёнмас чироқ.  
Шамол эсар.  
Алғов-далғов,  
Қор, ёмғирлар ёғар беҳис.  
Ёрга кириб бўлмас дарров,  
Осмон эса жуда олис.





\* \* \*

Кўчкор Норқобилга

Узун йўлак тугар.  
Тор хона,  
Эшик қия очиқ.  
Сукунат.  
Стол.  
Китоб.  
Ёзув машина —  
Шоир ўзи билан ҳамсуҳбат.  
Ўтин тутаб ёнар печкада —  
Қойилмақом тун — олов рақси.  
Қушнинг сурати бор чашкада —  
Ўқиби ётар қаҳва қуйқаси.  
Сигарета тутар кулдонда,  
Шер юракда ёнар исён, куч.  
Шоир шу вақт қалин ўрмонда —  
Бўриларга келиб қолар дуч.

## АКСИОМА

Кундуз. Ижарауй. Балкон. Дераза —  
Кўча. Гала-говур.  
Келар кун ботиб.  
Бир қўшним кир ювар.  
Бир қўшним эса —  
Тирикчилик қилар гул сотиб.





## ХАСИС ОДАМ

Тайёр турар ҳамма нарсага,  
Хавф-хатарга қўйиб жонини.  
Бирор ери оғриб қолса сал —  
Ийгиб қўяр бор-бисотини.  
Даввал оёқ-қўлини чорлар,  
Йўқ еридан топади чидам.  
Ҳеч нарсасин ўзи йўқ жойга —  
Қолдиргиси келмас бу одам.

\* \* \*

Қандай кечар тун бориб-бориб,  
Дарахтларни қоплади оғу.  
Тонглар мудом борар қисқариб —  
Кун ярмида тушар қоронғу.  
Қандай кечар тун бориб-бориб?!

Қандай кечар тун бориб-бориб,  
Оғирлашар кундан-кун юрак.  
Ой юксақда мудрайди ғариб,  
Кўкнинг эса парвойи фалак,  
Қандай кечар тун бориб-бориб...



---



## ЭГИШЕ ЧАРЕНЦ

1937 йилда Ереван кўчаларидан бирида ёнларига “Нон” деб ёзилган улкан машина буюк арман шоири Эгише Чаренцнинг жасадини эл кўзидан яшириб кўмиб ташлаш учун олиб ўтади...

Тўртга томонига “Нон” деб ёзилган  
Қора машиналар ўтса ёнимдан —  
Менинг вужудимни қоплайди титроқ...

Қарайман... Одамлар кўзида қувонч,  
Ўунтақда бор нонга етадиган пул.  
Менда машинага йўқ ишонч.

Балки унда йўқдир янги пишган нон,  
Нега бу одамлар боқар беҳадик.  
Балки эндигина узилган ўлик...

Катта ҳарфларда “Нон” деб ёзилган  
Қора машиналар ўтса ёнимдан —  
“Эгише Чаренц” деб ҳайқиргим келар...

---



## ЎЛИМ

Абдусалом ака Мамадраҳимов  
хотирасига

Яхшиларнинг тушар изидан,  
Ёмонларни суймайди жини.  
Бу дунёда ҳатто ўлим ҳам  
Ерга урмас экан қадрини.

\* \* \*

Ҳеч ким билан гаплашгим йўқ,  
Кўргим келмас ҳеч кимни.  
Қаердадир гўё бир ўқ —  
Ўйлаб турар кўксимни.  
Ўз-ўзимга беркинаман!  
Ийқиламан, тояман.  
О, нақадар кичкинаман,  
Бунча кичик сояман.  
Гоҳ шамолман, ёмғир, қорман,  
Яшолмайман беэга.  
Қара, жоним, бугун борман,  
Улсам йўқман эртага.









## КУЗ

Хар кимнинг жони ҳалак,  
Дала-боғда иш қизғин.  
Ким бургуту, ким лайлак,  
Ким чумоли, ким қузғун.  
Бирор кимса очмас лаб,  
Ҳеч кимса қотмайди сўз.  
Далаларни оралаб —  
Ер ағдариб юрар куз.

## ТУФИЛГАН КУНИМДА

Эшитилар юрак уришим,  
Демак, ҳали айланмоқда қон.  
Дўстлар, менинг тирик туришим —  
Қанча гулга келтирди зиён.  
О, бу не ҳол?  
Бу қандай жазо,  
Нега гуллар кўтармас сурон.  
Менинг жонсиз вужудим, ҳатто —  
Кўп гулларга келтирар қирон.





\* \* \*

Ўйласам — нафасим тушар ичимга,  
Ваҳима ичида қолади жоним.  
Ватан, боряпманми шоирлигимга.  
Мен кетсам — боламнинг не кечар ҳоли?  
Болам, деб бағримга босдим майсани,  
Қақраган қирларга  
Талпиндим ёниб.  
Эртага боламини йиғлатмайсанми,  
Кетсам бўладими Сенга ишониб?!

\* \* \*

Бу майда ташвишлар чиқди ўйиндан,  
Ўзимни ўртага қўйиб гаплашдим.  
Телефон ишламай қолса уйимда —  
Келар ким биландир телефонлашгим...  
Қаердан хаёллар келади ёруғ,  
Қаерда кун ботган,  
Қайда тонг отган.  
Ўйлайман, қўнғироқ бўлмаса, аниқ —  
Сенинг телефонинг ишламаётган!





## ШАМОЛ

Дунё саросимада —  
Эшиклар ёпилган зич,  
Япроқлар телба каби  
Боқар ҳадик аралаш.  
Қушлар учиб кетмоққа  
Узида тополмас куч.  
Шох-шаббалар бу ахир,  
Ахир бу қандай кураш?  
Қўраларда қўйлар жим,  
Балиқлар юрар сузиб,  
Девор оша мўралаб  
Мийиғида кулар тун.  
Осмон эса ҳукмрон!  
Аввалдан режа тузиб,  
Ерни ҳайрон қолдириб —  
Бошлаб юборар ҳужум.





\* \* \*

1

Кўкда қуёш қовжирар,  
Ғамгин оҳ чекар фалак.  
Томга чиқиб қор курар —  
Занжирланган тол, терак.  
Замин ихрар даб-дуруст,  
Шамолни қолар таниб.  
Ииғлаб юборар маҳбус —  
Қор куракка суяниб.

2

Дов-дарахтлар туртиниб,  
Кўкка бўй чўзар илдам.  
Утлар секин қимтиниб —  
Мўралар қор остидан.  
Тун боғларни маст этар,  
Қон югурар тусига.  
Атайлаб шамол тегар —  
Далаларнинг кўксига.  
Кузатарлар атрофни,  
Унутилар азалар.  
Истайди очилмоқни  
Бепарда деразалар.



\* \* \*

Хали тонг отмай туриб  
Эшиклар очилмасдан,  
Дарахтлар келар кириб  
Қушни кўриб қафасда.  
Кўп йиғлаган.  
Хориган.  
Тириналган афт-ангори.  
Неча кунки оч қолган —  
Қолмаган ҳеч мадори.  
Эҳ, нафас олар зўрға,  
Дир-дир титрар тишлари.  
Дарахтлар биздан кўра —  
Яқин олар қушларни.

## ХУЛОСА

Ҳаёт!  
Бошқа сўзга етмайди кучим,  
Уйласам, юрагим қўяди муштлаб.  
Ишон, расмга ҳам  
Тушмайди ҳеч ким  
Автоматни тескари ушлаб...

\* \* \*

Яхшиям йўқ қанотинг,  
 Булутлар кўп урчиган.  
 Мен сени қидирардим —  
 Кўкнинг қайси бурчидан.  
 Дун қоларди беҳаво,  
 Дунёга кетарди ўт.  
 Сенинг дастингдан ҳатто —  
 Қочиб қутулмасди кўк.  
 Яхшиям қанотинг йўқ.

\* \* \*

1

Шамолдайин учдим  
 Тоғу тош аро,  
 Йўлдан ўролмади  
     Йўллар ярақлаб.  
 Оёғим остида ўйнади Дунё —  
 Эргашди кўп пасту  
     Баланд дарахтлар.  
 Қушлар етолмайин  
 Ортига қайтди,  
 Ҳар гал қучоқ очиб  
 Қутиб олди кўк.  
 Оймома уялиб ўзини тортди,  
 О, қанча осмонга  
 Бағишладим кўрк!




## 2

Бу кеч на ёмғирман,  
На-да шамолман,  
Дарахтлар ўтмоқда  
Туртиб, югуриб.  
Ҳеч йўқ деразадан  
Қарайин десам,  
Шамол пардасини  
Кўяр тушуриб.

Мен шундай йиллардан  
Йилларга ўтдим,  
Бир куни бу аҳвол,  
Бир кун бошқача.  
Бу шоир дунёга ўрганиб кетдим,  
Бегоналигимни айтмаса...







\* \* \*

Шамолнинг бошқача оёқ олиши,  
Ўзини ташлайди ҳар бир дарахтга.  
Бахтли қурбақанинг  
Тунги хониши —  
Ёйилиб улгурган ҳамма тарафга.  
Аммо, ҳеч нимани бўлмас яшириб,  
Ҳар ким ўзича шод.  
Тун сархуш майдан.  
Ой юрар ўзига-ўзи гапириб,  
Итлар эса кўпайгани кўпайган.

\* \* \*

Нима деса — кўндим барига,  
Мен жонимни жабборга бердим.  
Бу дунёнинг одамларига —  
Қелар жуда яхши кўрингим.  
Ўзин олиб қочар кўзларим,  
Тилим!  
Менинг тилим сўйилган.  
Бу дунёнинг бари сўзлари  
Менга қарши қайраб қўйилган.



## ЙЎЛОВЧИ

Қаерга боряпсан —  
Қаердан бу чарх —  
Йўқотиб қўйдингми  
Бирор нимани?!  
Қайси соҳилларда  
Қилмоқчисан фарқ —  
Узингдан ажралиб  
чиққан кемани.

\* \* \*

Қушлардан ном-нишон йўқ,  
Қунлар ўгади зое.  
Бирдан хомуш тортар кўк —  
Бузилади авзойи.

Шамол беради зарба,  
Қўнглинг кир бўлар бадтар.  
Қандай ётар ерларда —  
Бу паҳлавон дарахтлар.



\* \* \*

Мен ўзимга қидираман жой,  
Хоҳ Шарқ бўлсин,  
Хоҳ Ғарб томондан.  
Учоқларинг мени тополмай —  
Бари қолиб кетар осмонда.  
Қидирмоққа тушар юдуз, ой,  
Тунни излаб йўлга чиқар Тонг.  
Ер юзидан Мени тополмай —  
Поездларинг бўлади сарсон...

## БАҲОР

Нур туша бошлади  
Кўк туйнугидан,  
Қаддини кўтарди  
Ердан далалар.  
Бойчечак жилмайиб  
чиқди уйдан —  
Кўчага отилиб чиқди болалар.  
Қушлар бежавотир  
Келдилар кириб,  
Осмонга кўрсатиб қораларини.  
Хартугул, дарахтлар олди яшириб,  
Қоп-қора яланғоч таналарини.



\* \* \*

Хар кун,  
Хар қадамда  
Осмон берар зарб,  
Кўчага чиқамиз,  
Иссиқроқ кийин.

Фақат изғиринда  
Қолмасин бу қалб,  
Шунча қордан кейин,  
Ёмғирдан кейин.

\* \* \*

Итларнинг ҳам онаси бор,  
Гарчи улар — кўча санғи.  
Боласини яхши кўрар —  
Бу дунёга ишонмайди.  
У таламоққа ўргатар,  
Узун тунлар — кечалари.  
Эркаласа она итлар —  
Тишлаб олар болалари.





1

Йўл ёқалаб борар бир аёл  
Хилпирайди лозим, кўйлаги.  
Орқасидан қувади шамол —  
Унинг тез-тез урар юраги.  
Шошмай деса вақти жуда зиқ,  
Ахир қолиш керак улгуриб.  
Фақат унга берар халақит —  
Юрагининг дукур-дукури.

2

Йўл ёқалаб келар бир аёл  
Қўлларида бўм-бўш челаги.  
Уни четлаб ўтади шамол —  
Хилпирамас лозим, кўйлаги.  
Йўл юрса — йўл сурилар нари,  
Ишга солар жонин борини.  
Фақат ернинг чағир тошлари —  
Тишлаб олар товонларини.

3

Тунни ҳеч ким эшитмас келиб,  
О, шунчалар кўпми саволи?  
Эр ухлайди ғужанак бўлиб,  
Ўз ҳолига қўйиб аёлни.



\* \* \*

Кўпдан буён йўл юрар,  
Тугамас — йўлу сўқмоқ.  
Гоҳида қуёш кулар —  
Гоҳ чақиб олар чақмоқ.  
У жуда эркин — ёлғиз,  
Тунни олган оғдириб.  
Шошилиб борар бир қиз —  
Ёмғирларни ёғдириб.

\* \* \*

Кўкда ҳали бораётир жанг,  
Ҳали кўпдир туннинг уюми.  
Шу жимгина отаётган Тонг —  
Бошга солар итнинг кунини!



\* \* \*

Ёпиқ эшикларнинг  
Ортида ким бор,  
Мудом кимдир кетар,  
Кимдир келади.  
Дашту биёбонми,  
Ё гуллаган боғ —  
Менга кимдир борга ўхшайверади.  
Аммоки, сезилмас шарпа ва қадам,  
Сездиргиси келмас йўғу борини.  
Бу одам сабрли, тоқатли одам —  
Босмайди эшикнинг қўнғироғини.  
Уйлайман, кузатиб турар тирқишдан,  
Қишу баҳор бўлсин  
Билмай каму кўст.  
Пичирлайман секин: Мен Сенинг билан —  
Ёпиқ эшикларнинг ортидаги дўст.






## ЎЛИМ

Хар гал Сени эслаганда  
Титрар вужуд,  
Томирларда жимирлайди  
Қон томчиси.  
Хаёт ҳақда гапирмас ҳеч  
Йшонтириб,  
Бу дунёнинг Сендан бошқа ёлғончиси.

## ИККИЛИК

Оёғимда турибманми — тирикман,  
Демак, мумкин Сен ҳақингда ўйлашим...





\* \* \*

Тонг отмасдан чўка бошлар тун,  
Боғлар қолар ақлдан озиб.  
Қайдан пайдо бўлар  
Бу қузғун —  
Патларини ҳавога ёзиб.  
Қўрқув ҳоким!  
Қилт этмас шамол,  
Осмон — осмон.  
Келмас ҳол сўраб.  
Дарахтлар ҳам жим турар беҳол —  
Тилдан қолган каби жовдираб.  
Йўл юришга бермайди изн,  
Ўзин олиб қочади ҳаво.  
Менинг эса очиқ кўзларим —  
Ер остидан қидирар маъно.





\* \* \*

Ўтириб кимнингдир  
рупарасида,  
Ховлиқма юрагим  
тепса жонсарак.  
Тилларим мақтаниб айтса қасида,  
Қўлларим титраса...  
Чалсалар қарсак —  
Мендан юз ўтиринг,  
Мени ўлдилинг.

\* \* \*

Қушларни кута-кута,  
Қўзи тўрт бўлган дарахт —  
Ер билан битта бўлди...

Ҳеч нарсадан бехабар  
Келди қушлар... Учдилар —  
Бошқа дарахтлар томон.





\* \* \*

У одам жуда тинч,  
Умрида ҳеч қачон —  
Бундай ухламаган...

Қарзини топширди —  
Энг сўнггиси эди шу,  
Юзи ёруғ бўлди...

\* \* \*

Кечагидек ўтмади бугун,  
Кеча қолган экан кечада —  
Мени алдаётган ким ўзи?!

Бугун кўчармикан эртага,  
«Эртага Сен ўлмайсан», дея —  
Кимдир берармикан кафолат?!






\* \* \*

Ниҳоят тахт қилиб қўйилди сумкам,  
Китоб. Қоғозларим. Енгил устибош.  
Қўлимда-ўзимга тегишли чипта —  
Кўнглим ғаш.  
Негадир кўзларимда ёш.  
Йиғлайман у уйдан бу уйга чошиб,  
Кўчада машина... (Тура тур пойлаб!)  
Телефон дафтарни шкафдан топиб,  
Кичкина сумкамга қўяман жойлаб.  
“Ҳозир, озгина кут...  
Ишим тугайди,”  
Ўзича гапириб пичирлар лабим,  
Наҳот, телефон ҳам жирингламайди,  
Кетмасимдан ҳамма унутган каби.



\* \* \*

Баъзида осмонга учаман:  
Тезлик,  
Баъзида чилпарчин этар  
Парвозим.  
Баъзан панд беради  
Эҳтиётсизлик —  
Самога сифмасдан қолар  
Овозим.  
Мен қилган ишларим  
Туюлар қизиқ,  
Гоҳ қовоқ уяди.  
Гоҳо бўлар шод.  
Тунда деразамдан  
Бўйинини чўзиб —  
Ёзув столимга  
Қарайди ҳаёт.





\* \* \*

Тўс-тўполон. Шох-шаббалар тушар синиб,  
Қушнинг бари кириб кетар ин-инига.  
Бир қўзичоқ адаштириб онасини —  
Чопиб кетар бошқа қўйнинг елинига.  
Қўзи шўрлик зориллайди чопиб ҳар ён —  
Қўйлар ўзин олар пичан панасига.  
Қўйлари кўп қўраларда бўлар сарсон —  
Ҳаёт уни дуч қилгунча онасига.

\* \* \*

Нега анув мурғак қушнинг жони ҳалак,  
Патларини патирлатиб ураётир.  
Ёки ташлаб юбордими золим фалак,  
Тирноқлари қаро ерни тирнаётир.  
Ён-атрофга олазарак боқар кўзи,  
Ўлмоқчидек оғзин очиб ҳаво ютар.  
Кўз юмгунча ҳар тарафга кетар тўзиб,  
Бошқа юртнинг боласига ўхшаб кетар.  
Еру кўкка ёйилмишдир беҳол пати,  
Ҳар томонга уриб ўзин учди, толди.  
Бу ҳам бўлса Худойимнинг марҳамати —  
Бир оз ўтмай жовдиради, тинчиб қолди.





\* \* \*

Хаёт сени чиндан севади,  
Қара, ҳаммаёнинг бус-бутун,  
Мағрур-мағрур ташлайсан қадам.

Эркалатар ҳаёт, бахтлисан,  
Фақат жуда ўхшаб кетасан —  
Фоҳишанинг севгилисига.

\* \* \*

Кун ботар.  
Яна бир отар янги тонг,  
Маҳбуснинг кўзида уйғонар умид.  
Ҳеч қачон кишанга  
Битмайди забон,  
Ҳеч қачон одамга айланмайди ит.  
Ям-яшил дарахтлар кетдилар қуриб,  
Чилпарчин бўлгиси келар қулфнинг.  
Тонгнинг йиғлагиси келар чинқуриб,  
Бақиргиси келар темир эшикнинг.





\* \* \*

Бошимдаги телпак юмшоқ юнг —  
Ўлдирилган ўрмон қироли.  
Менинг битта пўстиним учун,  
Йўқ қилганлар қанча қуённи?  
Менга ҳаёт қилар қанча сарф,  
Бўларди-ку тезроқ қарисам.  
Бўнимдаги қимматбаҳо шарф —  
Эсдалиқдир сув парисидан.  
Жилоланар бургуткўз сумкам,  
Юрагимга денгиз сочар дур.  
Тимсоҳтери этигим билан  
Мен атрофга боқаман мағрур.  
Тўлдираман ҳар кун қамини,  
О, нақадар ўчман ҳашамга.  
Ҳаёт бори ўлимларини  
Дафн этар менинг жуссамга.



\* \* \*

Фақат чидаб туrolмайди тил,  
Туrolмайди ўзини тутиб.  
Борлиқдаги жамики, ҳар хил —  
Овозларни бўлмайди ютиб.  
Ваҳм босган далаю даштни,  
Кўкси тўла — жим ухлайди тош.  
Бу заминда шамолга қарши —  
Дарахтлар ҳам кўтармайди бош.

\* \* \*

Қараб турганида юлдузлар,  
Ютиб ололмайсан ҳавони.  
Уяласан. Тортинасан,  
Ерга қарайсан —  
Ҳаво қолиб кетар бўғзингда.  
Кўярга жой тополмайсан  
Ҳатто уйингда,  
Мусофирга ўхшаб кетасан шу чоқ.  
Юлдузлар кўзини узмайди бироқ —  
Бошқа бир одамнинг насибасини  
Еб қўйганга ўхшайсан кўпроқ.



---



\* \* \*

*Мен яхши кўрадиган, аммо отини  
билмайдиган Қушчага.*

Сен ҳақда ўйлайман —  
Сал алам чексам,  
Иўлингга кўз тикиб  
Термулган оним.  
Шунчалар кичиксан.  
Шунча кичиксан —  
Кафтимда йўқолиб  
Кетасан, жоним.  
Сен ҳали билмайсан  
Ернинг қаҳрини,  
Билганинг фалақдир.  
Чинор, терак, тол.  
Кичкина бўлсанг ҳам  
Осмон бағрини —  
Истаган вақтингда  
Этасан ишғол.







\* \* \*

Бир зум юммас кўзини,  
Ўтирар пушаймон еб.  
Тун қўрқади ўзини —  
Улдириб қўймасам, деб.  
Кўчага чиқар шошиб,  
Ичади шу кунига.  
Қайтишда бир қиз топиб,  
Бошлаб келар уйига.  
Хаёт тунни тез илғар,  
Тонг ҳайрон қолар кириб.  
Бечора эшик йиғлар —  
Орқасини ўтириб.

\* \* \*

Борлиқ узра чўкди тун,  
Боғларнинг чиқмас саси.  
Осмон қанча ювмасин —  
Оқармайди косаси.  
Шамол маст-аласт бахтдан,  
Жонин қўйиб хатарга.  
Қушлар каби дарахтдан  
Сакрайди дарахтларга.







\* \* \*

Қунботарда ялтирайди  
Ўриклар шохи,  
Ўчоқлардан осмон бўйлаб  
Тарқайди тутун.  
Ногоҳ пайдо бўлиб қолган  
Булут мисоли,  
Қаердандир қора тортиб  
Келар қора тун.  
Ўнимадандир огоҳ этмоқ бўлар  
Иўл чангиб,  
Қоронғудан қўрққан дарахт  
Девордан бўйлар.  
Кетаётган сурувлардан  
Орқада қолиб —  
Дарвозанинг тирқишидан  
Мўралар қўйлар.  
Дағдағали ҳуштак чалар  
Отли қўйчивон,  
Ер тепиниб инжиқ итлар  
Ура бошлар дўқ.  
Бир лаҳзада шамол келар  
Қўтариб сурон —  
Қўз ёшини яширишга  
Улгуролмас кўк.





\* \* \*

Самовот паришон,  
Боғлар қорайган.  
Қушларнинг овози ўчган.  
Бефараҳ,  
Хув олис ердаги қарағайзордан  
Қочиб кетаётир бир новча дарахт.  
Мен ҳам хаёлимда бораман чопиб,  
Ўшал дарахт билан бирга ёнма-ён.  
Сигарет қўлимда ётар тутақиб,  
Боғлар юрагимга кўчади осон.  
Шу топда борлиққа аёндир ҳолим,  
Аёндир борлиққа шу новча дарахт.  
Ўзини йўқотиб кўяр Бетховен  
Ногаҳон адашиб қолади Моцарт.

\* \* \*

Юрагинг қаерда жойлашган, Замин,  
Қўлларинг қаерда,  
Кўзинг қаерда?  
Эси йўқ қадамим босмасин тагин —  
Боғларингга чиқиб сайрга.  
Ўлиминг қаерда?  
Жон қаерингда —  
Сенга қандоқ қилиб берайин таскин.  
Фақат баъзи, баъзи ўликларингда —  
Кўриниб кетмоқда аксим.





\* \* \*

Шамоллар бемалол ўтар ёнимдан,  
Ёмғир рўпарамда имзолар битим.  
Мен сени ҳеч қачон кўрмаганимда  
Баланд дарахтларга айланармидим?

Кўзимга кўриниб кетасан гоҳо,  
Сени менга узоқ тушунтирар тун.  
Мен яшаб кўрмаган бошқача дунё,  
Мен яшаб кўрмаган бежавотир кун.

\* \* \*

Хатто кимлигимни  
Билмайсан ҳали,  
Асли юрак эмас  
Кўксингда урган.  
Азизим, боғларда  
Қолмаган маъни,  
Дунёмас кўзингга  
Кўриниб турган.

Бари алвон рангни  
Қон деб ўйлайсан —  
Шу нурсиз борлиқни  
Кўрасан рангли.  
Ёнингда бўлсам ҳам  
Мени кўрмайсан,  
Сен жуда соддасан,  
Сен жуда бахтли.



\* \* \*

Барибир ҳам кетди у —  
Биз юрар йўлдан кетди.  
Қандай яхши эди у —  
Наҳотки, қўлдан кетди.  
Жавобсиз қолди унинг,  
О, қанчалар саволи,  
Бир кун келиб дунёнинг  
Шу экан-да аҳволи.

\* \* \*

Ер уйқуда.  
Боғлар ҳориган,  
Тун чўзилиб ётар нарида.  
Енгилгина кўтарилар чанг  
Шамолларнинг шиппакларидан.  
Осмон йиғлар баногоҳ хўнграб,  
Дарахтларга ваҳима тушар.  
Бир оздан сўнг...  
Бир оздан сўнгра —  
Учиб кела бошлайди қушлар.  
Пайдо бўлар қайдандир зиё,  
Бош кўтарар Ерга жон кириб.  
Кетиб қолар қайгадир Дунё  
Тонгни ижарада қолдириб.



\* \* \*

Чинқираман: — Қайга тушдинг,  
Қайга тушдинг —  
Ё йиғлаблар юрибсанми кетиб ҳолдан?  
Жоним болам, сен билмайсан,  
Мен бир қушнинг —  
Ўлжасиман — тумшуғидан тушиб қолган.  
Ҳар томонга аланглайман шундан буён,  
Ваҳм билан ўтказаман ҳар онимни.  
Ўлжасига яқинлашмас қушлар не тонг —  
Қурт-қумурсқа келиб сўрмас аҳволимни.

## ТУШ

Қўк бахтиёр.  
Ер мулзам,  
Қуш учишга чоғланган.  
Бир учиб кўрай, десам —  
Оёқ-қўлим боғланган.  
Ерни тепганим-тепган,  
Бу ҳам ҳаёт зарбаси.  
Дарахтларга осилган —  
Қафасдаги қуш каби.  
Бир куни уйғонаман,  
Қўзим очилар бирдан.  
Ҳеч нарса қолмаса ҳам,  
Из қолади занжирдан.

\* \* \*

Юрагим кетмоқда  
Орқага тортиб,  
Қиёмат бошланган оғир танамда.  
Ўзим истамаган ишлардан ортиб  
Йиғлагим келмоқда  
Қутилмаганда...  
Йўлга чиқмоқликдан  
Оёқ тортар бош.  
Бақувват қўлларим қилмас ҳимоя,  
Юзини ўгириб қўзимдаги ёш  
Ўтган кунларимдан  
Қилар ҳикоя.  
Эртага борманми,  
Йўқми, ноаён —  
Наҳотки, шу вужуд чиқарар ҳукм.  
Юрагим, Сен учун,  
Ўзим учун ҳам  
Негадир йиғлагим келмоқда бугун.



\* \* \*

Тун пойгакка ётди юзтубан,  
Боғлар ҳорғин,  
Хаёлим учди.  
Майда одамларнинг устидан —  
Тўғри келган томонга учдим.

Ахир тушдим бу гумбаз аро,  
Кўк юзини кемирди парда.  
Мен осмондан чарчадим. Аммо  
Ерга қўнмоқчиман —  
Ер қайда?

О, мукамал ўйланган ҳаёт,  
Бус-бутундир ҳатто ғуссаси.  
Ер устида яралган, наҳот —  
Одамзоднинг бари нусхаси.

\* \* \*

Аниқ, менга бўлган нимадир,  
Хавfli кўринади ер шари.  
Ярим кечда қаерларгадир —  
Ғойиб бўлган итларнинг бари.

Кўрқув билан келдим юзма-юз,  
Тушган эдим унинг изига.  
Кўтарилди андиша, нуфуз —  
Оёқ қўйдим туннинг юзига.



\* \* \*

Ниҳол бўлсам — қайдан жой топар эдим,  
Усардим қайси бир дарахт ёнида?  
Мабодо қуш бўлиб келганимда-чи —  
Сайрардим кимларнинг пешайвонида?  
Ва яна учардим  
Қайси томонга,  
Ва кутиб турарди  
Мени қайси бахт?  
Учиб кетармидим балки осмонга —  
Яшаб юрармидим дарахтма-дарахт?  
Ҳеч кимга тегмади бирор-бир нафим,  
Бирор-бир кимсага  
Бўлмадим тиргак.  
Баъзида тутилиб қолар нафасим,  
Баъзан офирлашиб қолади юрак.





\* \* \*

Тонггача кўз юммади шаҳар,  
Туни билан мудраб чиқди ёз.  
Босилмади гала-говурлар,  
Бир лаҳза ҳам тинмади овоз.  
Парвойига келтирмас дунё,  
Пинагини бузмай оқар сой.  
Осмон билан ер ўртасида —  
Киракашлик қилиб юрар ой.

\* \* \*

Ҳар кунгидан боғлар виқорли,  
Қарғалар ҳам боқар беписанд.  
Қара, жоним, кўча чиройли —  
Сен ҳам ойна олдидамисан?!  
Осмон оппоқ.  
Ер жуда майин,  
Балки, қорқиз ясарсан қордан.  
Сенга қандай етиб борайин,  
Йўлларимни қор босиб қолган.





\* \* \*

Қирдан подалар қайтди,  
Хар ерга ёқилди шам.  
Ўзича қўшиқ айтиб —  
Ит ётади хотиржам.  
Хамма ишлар беҳато,  
Солинади ўринлар.  
Чўпонга ой ҳам, ҳатто —  
Бўри бўлиб кўринар.

\* \* \*

Булутлар йиғлаб юм-юм,  
Йиға бошлар кўчини.  
Телбаланиб қолган тун —  
Ердан олар ўчини.  
Қорлар бир зумда эриб,  
Кириб кетар ўринга.  
Осмон ҳам бир кун келиб  
Тушиб қолар қўлимга.







\* \* \*

Деразанг китобдай очилар маъюс,  
Дастурхон қоққани чиқар  
Бир жуфт енг.  
Сенинг ҳам уйингни топиб келди куз —  
Айни шу лаҳзада қаердасан Сен?  
Анув китобдаги қўллар кимники —  
Силкиниб-силкиниб қўяр бахтиёр.  
Улар чинқирмоқда: “Билсанг, меники —  
Баҳор, ёз, кузак ва ёгадиган қор”.  
Узоқлаб кетаман.  
Куз.  
Шамол.  
Ҳаво.  
Кезаман нотаниш қумтепаларни.  
Наҳотки, шу қўллар  
Ўқир бехато —  
Мен ўқий олмаган саҳифаларни.



\* \* \*

Ёлғиз одам. У жуда ёлғиз,  
Ўкинмайди бир ўзи яшаб.  
Ўнгида ҳам ҳатто бир офиз  
Сўз айтмайди бахтга яраша.  
Кўнгли қолган дундан, дунёдан,  
Аллақачон қўлини ювган.  
Ақли етиб туғилган замон,  
Челагини кўтарган сувдан.  
Не ғам бўлса барин татиган,  
Иўқ ерларга бормаган шошиб.  
У кетганда — унинг ортидан  
Фақат соя борар эргашиб.

\* \* \*

Шамоллар этмайди чурқ,  
Жим ухлайди саратон.  
Ҳар кунгидан ёп-ёруғ —  
Сахийлик қилар осмон.  
Ой жуда кўзга яқин,  
Шундай эди бир вақтлар.  
Нега кўтарар шовқин  
Ўзбошимча дарахтлар?!



\* \* \*

Бургут ўзин кўкка хатлади,  
Доғда қолди чўлу биёбон.  
Ерда қолган унинг патлари,  
Чумчуқларга бўлар соябон.

\* \* \*

Қиш келдими —  
Келдими баҳор,  
Бу ерларда номаълум фасл.  
Дарахтлардан тортиб  
Ёмғир, қор —  
Қуёшгача олинган асир.  
Ҳеч қаерга бўлмайдди кетиб,  
Тун беором.  
Инграб отар тонг.  
Қаердандир куз келар етиб,  
Ўз ҳолингча ўса бошласанг.

## ҲАЁТ

Ўрганмоққа уйғонар майли,  
Билимидан қилмас қаноат.  
Ўлим ўқувчига ўхшайди —  
Муаллимга ўхшайди ҳаёт.



---



\* \* \*

Қиз йиғлар,  
Йигит хўрсинар,  
Остин-устундир икки қалб.  
Қаттиқ қўллар мушт тугулар —  
Қолар телефон дийдираб.  
Йкки дунё қизиган чоғ,  
Узулиб кетар сим. Йиғи.  
Аросатда қолар титроқ —  
Ва кўзларнинг ҳайқириғи.

ГҮЁ...

Негадир қўрқар парда,  
Дераза синган — ёриқ.  
Гүё мени кўчада —  
Кутиб турар халойиқ.  
Кимдир йиғлар,  
Кимдир шод —  
Мажолим йўқ туришга.  
Мени ҳозир тўрт жаллод  
Олиб чиқар отишга.



\* \* \*

Шовқин кўтарилар кўчада,  
Шамол сўка бошлайди боғни.  
Қандай бало — ярим кечада —  
Туннинг шўри қуриди чоғи.  
Кўкдан юлдуз боқар беситам,  
Тонг кечикиб оқарар беруҳ.  
Бесўнақай дарахтларнинг ҳам  
Жон-жонидан ўтади совуқ.

\* \* \*

Қанча яширмасин боғ —  
Олиб хавфу хатарни.  
Барига бўлдим гувоҳ  
Оралаб дарахтларни.  
Ичга тушар нафасим:  
Қаерда қайд этилган.  
Дарахтларнинг ҳаммаси —  
Қушлар учун экилган.  
Сиз ҳам бир келиб кўринг,  
Хоҳ кеч бўлсин, кундузи.  
Юрагимдадир менинг —  
Дарахтларнинг илдизи.





## ШУБҲА

Қўрқа-писа босасан қадам,  
Баъзан хаёлингдан қўрқасан:  
Қачонлардан бери бир одам  
Сени пойлагани пойлаган.  
Аланглайсан ҳар томон дилгир,  
Гоҳ яхши-ю, гоҳ ёмон ўтар.  
Ҳали уйдан чиқмаган кимдир —  
Қўзларингга кўриниб кетар.

\* \* \*

Бу ит жуда ажойиб,  
Кириб олган қўнглимга.  
Қулоқлари дикқайиб —  
Қараб турар йўлимга.  
Ит бўлса ҳам у даҳо,  
Кетмас ўзга юртларга.  
Бир қарасанг — мутлақо —  
Ўхшамайди итларга.  
Ҳар кун тураман кўриб,  
Дўстмиз анчадан буён.  
Баъзан эса у бўри,  
Мен эса қўрқоқ қуён.





\* \* \*

Нахотки кунларинг билмайди тиним  
Сен қачон айтишга улгурдинг, эркам.  
Чақирсам — уйингни очмайди ҳеч ким,  
Гаплашгиси келмас телефонинг ҳам.

\* \* \*

Мана, тун ҳам оғди ярмидан —  
Сен ўзингга топгин ирода.  
Яна бир оз чидаб яшасанг,  
Кўз очасан бошқа дунёда.  
Сен тунлардан келасан қочиб,  
Ёришар кўк,  
Кел, менга ишон.  
Деразангни қарагин очиб,  
Яқинлашиб келаётир Тонг.



---



## ДЕРАЗАДАГИ ГУЛ

Кўп ўйладим гул қошида,  
Тегмади, деб ёрдамим.  
Осиб қўйдим ёнбошига —  
Қуш расми бор пардани.  
Сал нарсага буради лаб,  
Билмам, кимга кўз тикар.  
Эрта-ю кеч йўлга қараб,  
Энтиккани-энтиккан.  
Қушга тўлди. Баҳор келиб,  
Дарахтлар-у, дала-боғ.  
Менинг гулим она бўлиб,  
Тугади янги япроқ.

\* \* \*

Эшик қайта очилар: — Киринг...  
Ерга офир чулғонар ридо.  
Сенинг эса тўхтамас йиғинг,  
Сени тўхтатолмас илтижо.  
Қўшилларинг қарар дарчадан  
Эринг сенга термулар беун.  
Кўзларингда минг йил асраган,  
Қарзларингни узасан бугун.





\* \* \*

Тонг — ишга қуролсиз отланган миршаб,  
Гултувак остига қолдиради хат.  
Дарахтлар — бозорчи кампирга ўхшаб,  
Тошбағир заминга қилар хушомад.  
Осмон ер тепиниб бошлайди зарда,  
Йўлларда қоқилиб кетади тошлар.  
Маъюс қараб қўяр деразаларга,  
Тунни супуришга чиққан фаррошлар.

\* \* \*

Қолар фақат камбағал қушлар,  
Кўчиб кетар бари бойлари.  
Тўғри келган учоқни ушлаб —  
Кўчу кўронини жойлайди.  
Маъюс тортар дарахт, япроқлар,  
Яланғоч шох ерни муштлайди.  
Энди нима қилар бу боғлар —  
Баланд учмайдиган қушларни.



\* \* \*

Воз кечаман барчасидан,  
Ҳаммасини этаман рад.  
Озроқ сабр. Озроқ чидам —  
Керак бўлар озгина вақт.  
Бутун хаёл жон васфида,  
Шақирлайди бармоқларим.  
Тонгга етиш орзусида —  
Чопиб кетар оёқларим.

\* \* \*

Ҳар куни ўрнимдан тураман сапчиб,  
Қўлимни қўяман дарҳол кўксимга.  
Ҳаёт кутиб турса бағрини очиб,  
Нима қилмоқлигим тушар эсимга.  
Ҳамма томонимга юбораман кўз,  
Ювишга тушаман бари кирларни.  
Ахир шу биргина Ватан деган сўз —  
Ақлини киргизиб қўймас кимларни?!





\* \* \*

Атрофингда дарахтлар қатор,  
Бахтиёрсан — тенгрангда боғлар.  
Кўз ўнгингда қалашиб ётар —  
Қўл тегмаган шоҳу шаббалар.  
Хаёлларинг ўзингда эмас,  
Учиб тушар қушлар учган дам.  
Хали-ҳануз бу мамлакатга —  
Бирор марта етмаган қадам.

\* \* \*

Нега қарадим ўзи —  
Нима топдим — не излаб?  
Осмонга тикиб кўзин,  
Бир одам ётар инграб.  
Дарахтларнинг остида,  
Дарахтлардан анча паст.  
Уйда ётган каби,  
Одам ётар. Одам маст.  
Иўловчи ит ҳам қўрқар,  
Секинлайди қадами.  
Мазах қилиб болалар  
Ўраб олар одамни.  
Нимага ҳам қарадим,  
Нима бор эди пастда.  
Букилиб қолди қаддим —  
Боғ эди аросатда.



\* \* \*

Кишанланган одам. Авахта  
Тутиб кетган балчиқ, зах иси.  
Ҳеч ким ўйламайди у ҳақда —  
Ўнинг йўқдир йўқлагувчиси.  
Унда ҳам йўқ яшашга хоҳиш,  
Қутулолмас паст-баланд ўйдан.  
Тувилгану шўрлик, бояқиш —  
Бир лаҳзада тугатиб қўйган.

\* \* \*

Ҳар кунгидан эрта отди Тонг,  
Тик турганча чой ичди шошиб.  
Бир зумда кўк бўлди ҳаворанг,  
Қаергадир ой бўлди ғойиб.  
О, бу ҳақда бўлмагани гап,  
Туш кўрмовди ҳатто чўпон, қир.  
Қўйлар қирдан қайтди қўзилаб,  
Нафас олди қўралар енгил.





\* \* \*

Дала-боққа қиров тушди  
Тонг маҳали,  
Атиргуллар жой-жойида  
Қолди сўлиб.  
Бу дунёга яна қайтиб  
Келаманми —  
Ҳеч бўлмаса  
Яна бошқа биров бўлиб.  
Қорни кўрдим. Ёмғир. Шамол.  
Барги хазон,  
Тонгни кўрдим.  
Осмон — қизил юзли шафақ.  
Ёзни кўрдим. Баҳор ҳамда куз,  
Қаҳратон,  
Яшамоққа улгуролмай  
Қолдим фақат.  
Ешим қотиб қолди — кўзим,  
Қабоғимда —  
Ҳаёт қайта кўриш учун  
Келар мани.  
Дунё, қанча куним қолди  
Саноғингда —  
Бу боғларга яна қайтиб  
Келаманми?





\* \* \*

Хушомадни қойиллатдим,  
Жисмим ҳаёт оннда.  
Дунё билан хайрлашдим —  
Ақлу ҳушим борида.  
Ён-атрофга қарадим тик,  
Олиб қочмай кўзимни.  
Юзим ёруғ. Рухим тетик —  
Алдамадим ҳеч кимни.  
Ёмғир тиниб шамол елар,  
Барини сезар ҳолим.  
Фақат сени кўргим келар —  
Қаердасан, айт, жоним?

\* \* \*

О, шошма-шошар йиллар,  
Хаёл. Умр — нотанти.  
Кампир кунни кеч қилар,  
Токларга бўлиб банди.  
Ҳаёт. Сезмас,  
Рости гап —  
Тинмай йигирар урчуқ.  
Қалин токнинг остида,  
Чинқириб ётар чумчуқ.





\* \* \*

Бозор гавжум.  
Бой. Камбағал.  
Пештахталар —  
Не хоҳласам — ҳаммасини  
Олдим шошиб.  
Хаёт одам билан  
Ёлғон савдо қилар,  
Утирмадим унинг билан  
Савдолашиб...

## МАҲБУС

Ортда қолди турма, кишанлар,  
Енгил, енгил нафас олди. Соф.  
Маҳбусликнинг ҳаёти...қонлар...  
Қўрмагани қолмади ҳисоб.  
Яшамоққа топилди илож,  
Ўзиники бўлди ер, кўк, сув.  
Кийимлари юпун. Қорни оч —  
Фақат озодликка чиқди у.  
Озод бўлди... бахтли бўлмади...





\* \* \*

Қунлар ими-жимиди,  
Ўтишар беранг, беқут.  
Қоронғулик ичидан —  
Шовқин кўтарар суқут.  
Тунлар кунни кеч қилар,  
Аста ёйилар барглар.  
Узоқларга термулар —  
Боқибегам терақлар.

\* \* \*

Қунлар ўтмас бир хилда,  
Бошга тушса — кўрар кўз.  
Кеча эдим соҳилда —  
Эртага нима гап-сўз?







\* \* \*

Бу ҳаёт бешафқат...  
Қўшим туну кун  
Арава ясарди  
Ногиронлар-чун.  
Эвоҳ, тақдир экан —  
Ўзи ҳам бугун —  
Юрибди ўзининг  
Аравасида...  
...Газетдан ўқувдим —  
Уч-тўрт йил бурун,  
Ота граната қилар  
Ихтиро.  
Аммо, ўша куни Ота  
Ўғлидан —  
Ихтиро туфайли бўлади жудо.  
Бу ҳаёт бешафқат...





\* \* \*

Тун жойлашар борлиққа,  
Ту누ка том тарақлар.  
Ўйчан боқар ариққа —  
Чолу кампир дарахтлар.  
Осмон — сут тўла кўза,  
Синиб кетар тонг олди.  
Ниҳол кўкка буй чўзар —  
Кўзгу деб ўйлаб ойни.

\* \* \*

Ахир нима қилдим мен нолиб  
Ҳатто кўкда зерикар ой ҳам.  
Қаергадир бекиниб олиб —  
Бекинмачоқ ўйнар мен билан.  
Ёстиғига бош қўймас. Бедор —  
У ҳазилкаш дўстим кўкдаги.  
Туни билан алдар неча бор —  
Ой ҳам ўрмон тулкиси каби.





\* \* \*

Орамиздан ўтмас  
Хатто қил,  
Мудом қараб яшар кўнглимга.  
Бечора тиш!  
Яна қанча йил —  
Чидаб яшаркинсан тилимга.  
Кўп ўйлайман —  
Оқсанг кўзларни,  
Йўл кўрсатсанг...  
Йўлга бошласанг.  
Тилимдаги мажруҳ сўзларни —  
Бўлмайдим, чайнаб ташласанг...  
Орамиздан ўтмас  
Хатто қил...

\* \* \*

Заргар зар, мен эса жамлайман ҳаво,  
Кўтариб юраман мудом кўнглимни.  
Ҳаёт хайрлашар чоғда ҳам хатто —  
Кўйиб юборгиси келмас кўлимни





\* \* \*

Тўғри келиб қолар кетишга,  
Қайдан келар бу ирода, шашт.  
Қайтган каби эртароқ ишдан,  
Наҳот, шундай тугайди яшаш?!  
Кимдир кела бошлар изимдан,  
Гоҳ орқада қолар.  
Гоҳ ўзар.  
Ногоҳ тушиб қолар оғзимдан,  
Оғзи қонга бўялган сўзлар.





\* \* \*

Тонг оқариб-оқармас  
Чўкиб-чўкмагайдир тун,  
Дунни жимлик қоплаган,  
Тин олади сукунат.  
Боғу роғлар шалаббо,  
Хазонлар уюм-уюм —  
Қушлар сайрашга ҳатто  
Этолмагайдир журъат.  
Туман қоплаган кўкни —  
Майсалар қовжираган,  
Қил устида дарахтлар,  
Кунлар ажал отида.  
Чопмоққа шай болталар,  
Пичоқлар қонсираган.  
Қуёшга изн йўқдир —  
Зулмат салтанатида.

\* \* \*

Фақат кўкнинг қўлида зуғум,  
Ер айланар чархнинг чархида.  
Қилич эртақ айтади узун —  
Дум-думалоқ бошлар ҳақида.





\* \* \*

Жисмим ҳаво сўраб интилди кўкка,  
Кўзларим жовдираб  
Сўради ҳаёт.  
Ҳаво керак экан жами тирикка —  
Яшаб бўлмас экан беқанот.  
Ўттиз уч йил кутдим.  
Айтишга осон,  
Мени қучоғида тирилтирди шеър.  
Энди мен ўзимга ўзимман осмон —  
Энди мен ўзимга ўзимдирман ер.

\* \* \*

Оқибатли чиқиб қолди тун,  
Деразанга келиб мўлтирар.  
Эрта кетган кунларнинг, маҳзун —  
Чироғини ёқиб ўтирар.





\* \* \*

Хамма нарса қолсин, майли,  
Ўз жойида,  
Борлигингни сезиб турсин  
Юрак зарби.  
Ойни қўйгин.  
Юлдузни қўй жой-жойига,  
Аммо ўзни қўлингга ол  
Байроқ каби.  
Осмонни бер.  
Тупроқни бер —  
Сўраса ким,  
Боғларингда майна,  
Зоғлар топсин камол.  
Дунёнгни бер,  
Умрингни бер,  
Аммо, лекин —  
Ватанингни қўлингга ол.  
Қўлингга ол.





## ШОИРГА

Хали бир кун кўкни тутар  
Мақтов шовқини,  
Хаёлингни ўғирлайди  
Алвон-алвон гул.  
Сен ўзингни англагайсан,  
Денгиз тошқини —  
Ич-ичингда ёмғир ёғар.  
Кўпчийди довул.  
Қара, битга кўнгил учун  
Қанча эҳтиром,  
Қанча ҳурмат — бир шоирга,  
Қанча тавозъе.  
Аммо, ҳеч ким кўрмас, афсус,  
Эшитмас, эркам,  
Юрагингда кечаётган  
Улкан парвозни.







\* \* \*

Булутлар — осмонга  
Тикилган чодир,  
Шамол — насиҳатгўй,  
Ой эса мерган.  
Баргузон дарахтлар —  
Паришонхотир.  
Бепардоз кўзини  
Узмайди ердан.  
Тунлар афтодаҳол.  
Кундуз — югурдак,  
Замин копток каби  
Уйнар хазонни.  
Қушлар жуда эркин.  
Майнага келсак,  
Во, дариф, тепкилаб  
Юрар осмонни.





## ГУНОҲ

Бу бариси наҳот гуноҳ —  
Сени ўйлаб қуяр дилим.  
Кўриб қолар кўзим ногоҳ,  
Нетай, гуллаб қўяр тилим.

\* \* \*

Ойнага урилар ёмғир бетиним —  
Йўлидан ҳавони адаштирар куй.  
Стулда Сиз ечиб қолдирган кийим,  
Ва ҳали тартибга солинмаган уй.  
Уюлиб ётибди — китоб, шеър, қалам,  
Чанг босган гулларим таратар ифор.  
Ташқаридан кўра шу ҳолида ҳам —  
Менинг уйимдаги ҳаёт бахтиёр.  
Боғлар аразлаган.  
Нари кетган дашт,  
Аммо, ёғаверар ёмғир бетиним.  
Менинг муҳаббатим билан аралаш —  
Стулда Сиз ечиб қолдирган кийим.





\* \* \*

Тун. Эшиклар гичирлар нохуш,  
Кимдир алаҳсирар.  
Ҳаво дим.  
Ҳатто деразангга келмас хуш —  
Эшик олдидаги аллаким.  
Ғўлдирайсан ненидир узоқ,  
Қўлларингни соласан ишга.  
У ортига қайтади. Бироқ —  
Уз уйига қайтмас фаришта.

\* \* \*

Январь, февраль, март, апрель —  
Кўчалар лой. Зим-зиё.  
Ер остида боғлаб бел —  
Бўй чўза бошлар гиёҳ,  
Январь — совуқ. Февраль, март,  
Апрель бир оз олар тин.  
Дарахтларнинг шаштидан  
Хижолат чекар замин.





## ДАРАХТ

Хаёллари паришон,  
Манглайида совуқ тер.  
Унга қизиқмас осмон —  
Қизиқтирмас она ер.  
Қил сифмайди кўнглига,  
Ғичирлайди тишлари.  
Ирғитиб кўлдан кўлга —  
Кўкка отар қушларни.

\* \* \*

Пианино ғамгин ихрар. Куй,  
Соат бекор ўтказар Вақтни.  
Бурчақдаги нимқоронғу уй —  
Ҳар тун тинглаб чиқар Моцартни.  
Нарги уйда чийланар қарта,  
Эшик қулфланган — бехатар.  
Троллейбус кутар бекатда —  
Ёқасини кўтариб Январь.





\* \* \*

Кўзим яхши кўрмаганлиги боис,  
Кўрга ўхшар ҳамма кўзимга.  
Бош кўтарса бирорта аъзом —  
Ҳамма менга касал кўринар.  
Агар тутса дангасалигим,  
Ҳаммада ҳам бордай шу нуқсон —  
Овутаман ҳар кун ўзимни...  
Ва шундай қутулиб кетаман  
Ўзимдаги камчиликлардан.

\* \* \*

Баъзан ҳақиқатлар оғир ботади,  
Баъзан кўр-кўрона қилар оғирлик.  
Қетай, десанг, қаергадир бош олиб,  
Ўлмайдиган жой йўқ  
Бу ер юзида...  
(Худонинг кўзига тик қарагандай  
Кўзни олиб қочаман ерга...)  
Барибир,  
Барибир алам қилади,  
Ўлиш учун яшаса одам.





## АПРЕЛЬ

Урилади майса кўксига —  
Бирам енгил нафас олар ер.  
Ийглаётган Мартнинг кўзига,  
Жозибали кўринар Апрель.  
Май хаёлин бўлар ит ҳуриб,  
Ёт нафасдан чўчиб тушар гул.  
Хали ҳеч ким уйғонмай туриб,  
Боғда сайрай бошлади булбул.

\* \* \*

Чайқалтирмай сув олди кўлдан,  
Челагини тўлдириб келин.  
Тун бўлса ҳам қўрқмади йўлда,  
Чунки кўкда ой эди тўлин.  
Хиралашди кеча, қоронғу,  
Келин чарчамади йўл юриб.  
Тонгга яқин етиб келди у,  
Челагини ойга тўлдириб.





\* \* \*

Осмон бир қорайиб сўнгра ёришди,  
Ёмғир ёғиб ўтди.  
Шамол дод солиб.  
Эрлар қаергадир боришди,  
Хотинлар ҳам борди кеч қолиб.  
Гулли кулдонларда  
Пайдо бўлди кул,  
Биллур ароқлардан ичди ярмиси.  
Бироқ эрларидан гапирди нуқул,  
Хотин-халажларнинг бариси.





\* \* \*

Тун —  
Шаҳар қўйнида  
Бошланди қўрқув,  
Кечаги борлардан  
Қолмади асар.  
Жоним гулламоққа  
Қўйганда ружу —  
Ердаги хазонлар  
Бермоқда халал.

\* \* \*

Термуламан от ортидан,  
Уйнатади у ёлини.  
Интилади кўкка қараб,  
Олиб қўяр хаёлимни.  
Ерга тегиб-тегмай борар,  
Отнинг учар туёқлари.  
Сувлар эса лойқаланар,  
Уйга чўмар қирғоқлари.







\* \* \*

Эшик кулфланган.  
Токчада калит,  
Кетяпман.  
Азизим, йўлга пул олдим.  
Қўрқманг, йўлларимни  
Қўриқлайди ит,  
Шеърларим столнинг устида қолди.  
Музлатгич овқатни турибди сақлаб,  
Саватда Сиз яхши кўрадиган нон.  
Санчки, қошиқ, чашка бари ярақлаб —  
Сизни кутиб олар дастурхон.  
Фақат кўтарсангиз бўлди сочиқни,  
Овқатни иситиб беради това.  
Тайёрлаб қўйганман — қўйинг қўшиқни,  
Шатунов дейсизми ё Пугачова.  
Жоним, қуй измида очинг шкафни,  
Дазмолланган кўйлак,  
Дазмолланган шим.  
Кейин гаплашамиз қолган гапларни,  
Хозир эса зарур кетишим...





\* \* \*

Соат тунги уч. Поезд,  
Шу топ кўзиган жини.  
Юрак эса урар тез —  
Қамчилайди отини.  
Йўлда йўқолган шафқат,  
Яшамоқ бу ҳазилми?  
Ув, қаерда у бекат —  
Қайда унинг манзили?

\* \* \*

Тўс-тўполон. Шамол ҳовлида —  
Деразамга урар қорларни.  
Менинг шамолларим олдида —  
Зарбаси йўқ бу шамолларнинг.  
Деразамнинг шундоқ ёнида,  
Ёғаверди ёмғир эрта — кеч.  
Менинг ёмғирларим олдида —  
Ёғаётган бу ёмғирлар ҳеч.





\* \* \*

Бир амаллаб кунлар ўтар,  
Бир амаллаб ўтади тун.  
Кечаги кун мени ўртар —  
Мени ўртар эртанги кун.  
Гоҳ қоламан ёмғир, қорда,  
Гоҳо омон қолмоқ — гумон.  
Аҳволим шу — мазорларда —  
Уюлган бир тупроқсимон.

## ЁЛҒОН

Эрта тузаласиз, дедим,  
Тузалмайдиган беморга.  
Эрта бой бўласиз, дедим —  
Оч, яланғоч гадойга.  
Сизни афв этишар, дедим —  
Маҳбусларга, хоинга.  
Сен узоқ яшайсан, дедим —  
Жовдираб турган жонимга...





\* \* \*

Сайхонликда сув қалқир,  
Ўтар отлар карвони.  
Қурбақа сувдан чиқиб,  
Шимар шомги ҳавони.  
Қўшиқ майин таралар,  
Юзга урилар эпкин.  
Сўқмоқларни оралаб,  
Подалар қайтар секин.

\* \* \*

Ҳаракатга тушган ер шари,  
Бош кўтарар майсалар беор.  
Ҳар хил, катта-кичик итларни  
Ўтказгани қўймайди девор.  
Қора тортар кундан-кун кеча,  
Қалдирғочлар юрар лой ташиб.  
Боғлар мудрар. Қарғалар эса —  
Дарахтларга олган жойлашиб.





\* \* \*

Январь. Оппоқ дастурхон. Овқат,  
Чой. Бир бўлак қора нон. Қанд-курс.  
Янги йилнинг боши. Эски дард,  
Тугай демас ҳечам каму кўст.  
Ҳамма хонтахтада жамулжам,  
Ётмай қолар баъзан пиёла.  
Ёппасига кўтарар жанжал —  
Нон тегмаган ўн икки бола.

\* \* \*

Дунё, энди қайга қараб кетаяпман,  
Оёқларим шошиб борар...  
Қалб бетоқат.  
Титраяпман.  
Нима учун титраяпман —  
Мени қайдан топиб олди бу жароҳат?  
Юрагимга сифмаяпман —  
Оғир танам —  
Ўз-ўзидан чўкиб борар замин сари,  
Энг сўнгида ташлаб қўйма.  
Дунё, қара —  
Вужудимни ечиб қўйсам қўйлак каби.





\* \* \*

Тун ухлолмас ҳар хил уйдан,  
Ухлар чўпон чориги.  
Дарахтларга тушмай қўйган —  
Чироқларнинг ёруғи.  
Учиб қолар ойнада шам,  
Уйлар тортади беҳол.  
Куз қўйнида туни билан  
Алжираб чиқар шамол.

\* \* \*

Илиқ кунлар қолди ортда,  
Ер нам тортди. Бетароват.  
Қушлар учар бир безовта —  
Дарахтларда йўқ ҳаловат.  
Кеч киради. Тонг ҳам отар,  
Ҳаёт билмас ўларини.  
Ер тагида кимдир ётар —  
Тунга чўзиб қўлларини.





\* \* \*

Бурилиб қарайман...  
Олис ўлканинг  
Бепарво нигоҳи. Беруҳ йўлчилар.  
Менинг биттагина ихчам сумкамни  
Талашиб кетади юк ташувчилар.  
Отилиб кираман.  
Нотаниш вагон,  
Шовқин. Кимсаларнинг хунук кулгуси.  
Кимдир маст. Тентирар.  
Перронда ҳамон —  
Бир аёл чинқирар. Бола йиғиси.  
Вагонга совуқ сув қуйилар бирдан,  
Бир лаҳза, бир муддат  
Ҳамма жим қолар.  
Қирғий нигоҳларин ололмас ердан,  
Қалта иштон кийиб олган болалар.  
Бир немис аёлни элитар уйқу,  
Ёнида бир эркак тўқади савлат.  
Менимча, поездга илк бор чиққан у —  
Чўзилиб ётишга тортар хижолат.  
Мўйловдор амаки  
Боқиб ҳар ёнга,  
Майда ўтмишидан  
Сўзлар пайдар-пай.  
Нон, тухум кўтариб чиқар вагонга,  
Кўзлари ичига чўккан болакай.  
О, қандай чиройли Ватан, деган сўз,  
Агар ватанимда  
Яшай олсанг Сен.  
Тезликни ошириб бормоқда поезд —  
Яқинлашиб қолдим юрагимга мен.



\* \* \*

Йўллар-йўлакларга ташланди узун,  
Борлиққа фаромуш термулди қисмат.  
Шамол ҳар томонга ташлади ўзин —  
Баҳорги боғларни кўрмоқни истаб.  
Шу кеча оймома йиғлади тўлиб,  
Шу тун беҳафсала  
Сочди нурини.  
Ёз бўйи дарахтлар гап билан бўлиб,  
Сезмасдан қолдилар  
Куз келганини.

\* \* \*

Балки кўп нарсадан беҳабардирмиз,  
Балки кўп нарсадан огоҳдир шамол.  
Кўзини юммасдан кечаю кундуз —  
Дарахтлар суратга тушар эҳтимол.







\* \* \*

Рўпарамда биргина стул,  
Уртамизда стол, китоблар.  
Жилмаяди. У мени нуқул,  
Яқин таниши, деб ҳисоблар.  
У менга ҳам тунлари сирдош,  
Кўнглимни ҳам кўтарар гоҳо.  
Шеър ўқисам — қимирлатиб бош —  
Чайқалгандай бўлади гўё...

\* \* \*

Йўтал тутди яна кимнидир,  
Оҳ, кимнидир қийнади касал.  
Шеър ёзаман деган бир фақир —  
Хаёлимдан қолмади асар.  
Кимдир ўзи билан андармон,  
Сайр этмоққа чиққанда боққа.  
Яна кимдир юрак-бағри қон —  
Муккасидан кетар ароққа.



\* \* \*

Ўзимни беркитиб қўяман баъзан,  
Дунёдан беркиниб қиламан ҳузур.  
Ховлиққан ойнамнинг бир чеккасидан  
Очиқ кўзларимга тушиб қолар нур.

## ТУН

Ҳали тонг отмай — Отиб  
Йиқилар тун. Аланга.  
Машиналар йўл топиб,  
Кетар икки томонга.  
Тун ихраб ётар ёлғиз —  
Ҳеч кимса кўрмас бориб.  
Машиналар қочар тез,  
Кўздан бўлади ғойиб.  
Эҳ-ҳа, шумиди ҳали,  
У овозсиз йиғлар. Жим.  
Тонг тушунмас аҳволни,  
Турғизиб қўймас ҳеч ким.



\* \* \*

Боққа кира бошлади файз,  
Жаннатга йўл олди нарвон.  
Оро берди ўзига ёз —  
Новдаларга югурди қон.  
Пасту баланд ишкомларда,  
Узумлар ҳам қолди пишиб.  
Парво қилмай одамларга —  
Қушлар юрар дон олишиб.

\* \* \*

Еру осмон тортади вазмин,  
О, нимадир жимирлар танда.  
Не учундир титрайди замин —  
Ҳомиладор аёл ўтганда.  
Шамол четга ўтар йўл бериб,  
Бир ширин сўз қидирар башар.  
Ҳомиладор аёлни кўриб,  
Дарахтлар ҳам хўрсина бошлар.





\* \* \*

1

Бир зумда боғларни  
Қоплади туман,  
Қушлар ерга учди.  
Бесаноқ.  
Бесон.  
Қўқ ҳали ёришиб — ёришмасидан,  
Подаларни ёлғиз ҳайдаб кетар Тонг.  
Зумда кундуз тугар.  
Тун этар давом,  
Беруҳ дунё беҳуш  
Ётган паллалар.  
Қабристон ҳақида  
Уйлайди мудом,  
Дафн этилмасдан  
Қолган мурдалар.



2

Бир четдан қимтиниб ўтади ҳаво,  
Заминнинг кўксига  
Оралайди ўт.  
Маним ёшга тўла  
Кўзимдан, ҳатто —  
Шамоллар хижолат  
Чеккани ҳам йўқ.  
Кўнглим осмону ер билан  
Ёнма-ён,  
Бир кун осмоний гап.  
Бир кун ер гапи.  
Аммо ўша кундан,  
Боғларга борсам —  
Ҳаёлимда кимдир  
Йиғлай бошлайди.



\* \* \*

Тун бетоқат, бечидам,  
Ой етмаган бўйига,  
Пишмаган боғ ичидан —  
Олма солар қўйнига.  
Худди шу пайт, шу маҳал,  
Халқумга келиб жони —  
Бир ўсмир чиқиб келар,  
Босилмас ҳаяжони.  
Қўрқувни ҳам унутган,  
Ёрга қилолмас тоқат.  
Қўйлаклари йиртиқ, чанг —  
Кўзлари ёнар фақат.

### ЁЗ

Боғ эсин қолди таниб,  
Вужудлар — чўғ, аланга.  
Анжир ял-ял товланиб —  
Мамнун боқар оламга.  
Узумлар кулар токда,  
Жим ўтиб борар кунлар.  
Ҳолсиз ётар жўякда,  
Йт тишлаган қовунлар.



## АЁЛ

Чумолини босиб олар у бехосдан,  
Ҳар тарафдан исканжага олар хаёл.  
Ўздан бошқа ҳеч нимани ўйламасдан,  
Икки йўлнинг ўртасида турар аёл.  
Қаршисида машиналар пойга ўйнар,  
Бир-бирини қувламоққа чиқар шамол.  
Одамлар ҳам ҳар хил, бошда ҳар хил ўйлар —  
Йўлни кесиб ўтолмасдан турар аёл.  
Ҳамма ўзи билан. Ҳеч ким қарамайди,  
Бутун дунё кўринади бўй-бастида.  
Қанча-қанча тонглар отди. Кун қорайди —  
Қолиб кетмасайди йўлнинг ўртасида.

\* \* \*

Келар ҳорғин, бечирой,  
Узала тушар шарпа.  
Ўзин отар тўлин ой —  
Ботиб кетар тўшакка.  
Тун — гаранг.  
Қолар тилдан,  
Сокин пичирлар лаблар.  
Ногаҳон ўз ўрнидан —  
Сурилади чойшаблар.





\* \* \*

Кел, ўзимга қўйиб бер мени,  
Қўй, қийнама —  
Қилма кўп сўроқ.  
Тоғ-у тошлар келмоқда эниб,  
Ҳаёлимда дала-қир, сўқмоқ.  
Ўзим билан қолдир ўзимни —  
Ўзим билан қолдир ёнма-ён.  
Нега кўзларимга ёш инди,  
Нега кўксим тўла оҳ, фиғон?  
Бу ҳаммаси ҳаводан балки,  
Қуёш урар совуқ юзимга.  
Дунё, ҳали тирикман, токи —  
Мени фақат қолдир ўзимга.

## ЁЗ

Қувонасан кўз кўриб,  
Мулойим тортар тошлар.  
Боғларга мева бўлиб,  
Ёз кириб кела бошлар.  
Гилам ёйилар қирга,  
Ҳаёт ётар ёнбошлаб.  
Тонг ўшар атиргулга —  
Шабнамларга ўшар қалб.







\* \* \*

Мен яна қайтадан  
Ўса бошладим,  
Қўлларим бошимдан  
Ўсмоқда баланд.  
Ёмғир секин айтди! —  
Сенинг вужудинг,  
Ўлмас дарахтларга  
Этилган пайванд.  
Мағрурман.  
Қунлардан-кунларга  
Ўсдим —  
Денгизлар олдидан  
Ўтдим беписанд.  
Қичқирдим: — Тўлқинлар,  
Менинг вужудим —  
Ўлмас дарахтларга  
Этилган пайванд.





\* \* \*

Стол. Стул. Китоб жавони,  
Пианино. Кроват. Бурчак.  
Уйга киритмаймиз ҳавони —  
Мен. Марина. Кацо<sup>1</sup>,  
Пастернак.  
Деразалар ёпилади зич,  
Телефон ҳам ўчириллар. Жим.  
Эшик қулфда кунни қилар кеч,  
Ўз ҳолича ўтирар ҳар ким.  
Сигарета. Гугурт. Гул. Кулдон,  
Чўғ ялтираб кўринар. Тутун.  
Қаҳва. Китоб. Яшил дастурхон,  
Шеър ўқишга тушиб кетар тун.  
Тўртта стул тебранади маст,  
Бир бурчакдан мўралар Ацо!<sup>2</sup>  
Шеър ўқиймиз тунга бастма баст —  
Мен. Пастернак. Марина. Кацо.



---

<sup>1, 2</sup> Кацо Рацин. Ацо Шопов. XIX аср Македония шоирлари.



\* \* \*

Ховучимни очсам — тўлдим,  
Менинг кафтим — паришонроқ.  
Наҳотки бир ҳовуч бўлдим,  
Наҳотки бир ҳовуч титроқ.  
Ҳеч бир куним келмади қўл,  
Асқотмади шеър, фиғон, дуд.  
Мени қайга бошлади йўл —  
Не қўйларга солди вужуд?!

\* \* \*

Жуда қизғонаман Вақтни,  
Сендан ҳам, ўзимдан ҳам баъзида...  
Билмадим, кимга асраяпман уни...



\* \* \*

1

Боғлар ўтмишини кўп эслар,  
Баргихазон ётар бетартиб.  
Шошма-шошар шамоллар эса,  
Олмаларни ўйнайди отиб.  
Майли, гуллар гулини тўксин,  
Мевасини тўксин. Сен қувон.  
Олма билан тўлдириб кўксин —  
Қаергадир йўл олар жувон.

2

Еру осмон тортади сергак,  
Тиззагача йўл ботар лойга.  
Қандай қилиб урмасин юрак,  
Қандайин тинч ётсин жойида.  
Дарахт бош кўтармас йиғидан,  
Бир ери йўқ яра тошмаган.  
Қимдир эса ой ёруғида —  
Олмаларни тишлаб ташлаган.

\* \* \*

Қайдан «тиқ-тиқ» эшитилар,  
Қўтарилар фиғоним.  
Тиқиллаган эшиклардан —  
Қўрқиб кетар ўғлоним.  
Кексаликми — ҳар хил шовқин,  
Ўтирмайди жинимга.  
Ўғлим эса йиғлаб келиб —  
Кириб кетар пинжимга.  
— Қўрқма, болам, каламушлар —  
Совуқ уйда дийдирар.  
Болалари полни муштлар,  
Хонтахтани синдирар.  
Эрта илиб қолар кун ҳам,  
Сўнг бўлишар пушаймон.  
Ҳамма нарса синган уйдан  
Топилади қаттиқ нон.

\* \* \*

Совуқ кунлар очди бағрини,  
Қаҳр билан қиш келди кириб.  
Боғлар инон-ихтиёрини,  
Қарғаларга қўйди топшириб.



## ЌИЗИМ САМОДИЛГА

Ќўзингда қувонч ўйнар,  
Иўқолиб кетар қайғу.  
Бугун кетмасам, болам,  
Ќачондир кетаман-ку.  
Санайсан бармоғингда —  
Бир, икки, уч, саккиз, ўн.  
Болажон, саноғингда —  
Тугаб-тугамайди кун.  
О, митти юрагингда  
Шамол эсар, югурар.  
Сен санаб бўлгунигча —  
Тонглар отиб улгурар.

\* \* \*

Хайрият, олисда жойлашган осмон,  
Хайрият, ой олис, олисда юлдуз.  
Аста чиқиб келар қуёш ер томон —  
Ќаммага бахтиёр жилмаяр ҳануз.  
Сен эса минг ўйлаб  
Ташлайсан қадам,  
Ќўрқасан. Каллангда  
Ваҳима ўйнар.  
Яшашга хижолат чекасан баъзан,  
Ќимнингдир мулкига айланган ерлар.  
Хайрият, олисда жойлашган осмон,  
Хайрият, ой олис, олисда юлдуз...



\* \* \*

Ногоҳ эшик тақиллайди,  
Бир зум тилдан қолар қўлим.  
Уйимизга ўғри каби —  
Кириб келар икки Лўли.  
Билмам, қайдан келди титроқ,  
Юрак мени ғижимлади.  
Разм солар бошдан-оёқ,  
Ерга тушар хуржунлари.  
Қай кўчага кириб кетдим,  
Чиқсам бўлар қай томондан.  
Савол берар бирин-кетин,  
Ўтказади имтиҳондан.  
Нон келтирдим. Қанд-курс. Тугун —  
Босилмас ҳеч титроқларим.  
Уйдан-уйга чопиб юрдим —  
Ерга тегмай оёқларим.  
Чой ичишар бежавотир,  
Сўзлашарлар на бир шеърдан.  
На шамолдан дарак бордир —  
Дарак бордир на ёмғирдан.





\* \* \*

Мени осмон чорлар ўзига,  
Бошимдан қор тўкади заррин,  
Боғлар кўринмайди кўзимга —  
Узоқларда қолади замин.

Юрак ёрилгудай, Ё худо,  
Наҳот, наҳот тирикман ҳамон.  
Ерда ўтган кунлар, алвидо —  
Хайр, итоатгўй оломон.

\* \* \*

Кечагина экилган дарахт,  
Шамолларни ўйлар — зилзила.  
У бахтиёр, навқирон, хушбахт —  
Билмас ҳали ёмғир, қор нима?

Катта чинорларнинг ёнида,  
Бир озгина ўнғайсиз — кўркам.  
Жароҳат йўқ бирор жойида,  
Қушлар ҳали келиб қўнмаган...







## ЕР

У ҳеч кимга бормас  
Арз этиб,  
Ҳар томонга урмас ўзини.  
Фақат йиғлар —  
Кафтига босиб —  
Омоч тирнаб кетган юзини.

\* \* \*

Аввалгидан оғир тортди ер,  
Оғир ботди қорнинг ўлими.  
Оёғи зил. Кўнгли беҳузур —  
Кўтаролмай қолди қўлини.  
Унга шафқат қилинг —  
Жой беринг,  
Сизу биздан етмасин зарар.  
Ҳомиладор бечора ернинг  
Қорни тўла ўлик болалар.





\* \* \*

Қаергадир хаёлим қочиб,  
Қаергадир шошган маҳалим.  
Қатта йўлни оҳиста босиб.  
Ёнгинамдан ўтар аллаким.  
Аста-аста ташлайди қадам,  
Ич-ичида шеър ўқир секин.  
Термуламан — балки шу одам —  
Балки ўша Сергей Есенин.  
Ҳар томонга кетаман тўзғиб,  
Оёғимда ер қўтарар бош.  
Қун ўлдиран ўзини ўзи —  
Тун ўзига ўзи отар тош.

## ТЕЛЕФОН

Бир-бирига қилмагайдир ноз,  
Вақтнинг чегараси бепоён.  
Икки нафас, иккита овоз —  
Бир-бирини топади осон.





\* \* \*

Бугун уйдан чиққим йўқ,  
Нечун пойлаб турар йўл.  
Дарахтлар ҳам уйнаб шўх —  
Ойнамга узатар қўл.  
Кўчага чорлар ёмғир:  
«Юринг, кетдик, тоғларга».  
Уйда қолмоқда ахир —  
Фозил Хусню Доғларжа<sup>1</sup>.  
Жавондан тушиб келар,  
Қацо Рацин<sup>2</sup> қирмизи.  
Бошдан оёқ кўк кияр —  
Пастернак<sup>3</sup> ва Табидзе<sup>4</sup>.  
Қаранг, менинг кўп дардим,  
Моцарт<sup>5</sup> бошлади куйин.  
Кўтариб ҳам кетардим,  
Елкамга сиғмас уйим.



<sup>1</sup> Турк шоири.

<sup>2</sup> Македония шоири.

<sup>3</sup> Рус шоири.

<sup>4</sup> Грузин шоири.

<sup>5</sup> Немис бастакори.




## ОСМОН

Бир қарасанг — қиздиради кун,  
Ёмғир ёғар бир кун беармон.  
Унга ҳеч ким қилмайди ҳукм —  
Унга ҳеч ким чиқармас фармон.

## МУЗЙЎЛАК

Кўчалар анча салқин,  
Изғирин. Совуқ. Зарда.  
Музейўлак қалқиб-қалқиб,  
Борар баланд пошнада.  
Бутун фикри-зикри банд,  
Ғичирлаб кўяр тишлар.  
У йиқилиб тушган пайт —  
Ўтиб қолар танишлар...





\* \* \*

Тирикман.  
Улимдан кўрқаман.  
Бироқ —  
Узимга кўринар ҳолим ғалати.  
Менга жуда таниш манзара.  
Қирғоқ —  
Сузишни билмаган киши ҳолати.

\* \* \*

Дунё. Деразалар. Титроқ. Қалб —  
Кўтарилиб тушар пардаси.  
Кўз олдингда турар ўйноқлаб,  
Тарозининг икки палласи.  
Дунё, бу синоат қаердан,  
Ҳаёт билан тортишар ўлим.  
Бир кўлингни кўтарсанг ердан,  
Ерга тортиб кетар бир кўлинг.





\* \* \*

Ҳамма нарса ўйланган,  
Ҳамма жойда лутф, карам.  
Ҳатто улкан қушлар ҳам —  
Ўйлаб босади қадам.  
Чумчуқлар-да ботартиб,  
Қарғалар мудом даҳо.  
Дарахтларни кўтариб —  
Учгиси келар гоҳо.

## ЭРТАК

Ўрмон деган бир мамлакатда,  
Кўрар ҳамма баҳамжиҳат кун.  
Филлар қадам ташлайди катта,  
Ўз ҳолига йиғлайди маймун.  
Кезиб юрар уйма-уй қоплон,  
Кўралардан бошлар ҳашарни.  
Бўриларга қўйилган қопқон —  
Илинтирар қуёнчаларни.





\* \* \*

Поезд келар мен билан тўқнаш,  
Нотаниш бир кимса силкир қўл.  
Кўзим тинар.  
Юрак бўлар ғаш —  
Мени тортар илонизи йўл.  
Бир эшикдан ит чиқар қочиб  
Ва ортимдан келар эгиб бош.  
Дехқон юрар ерга дон сочиб —  
Кўкда эса каттакон қуёш.  
Ит кўрсатар менга илтифот —  
Уйимгача кузатиб қўяр.  
Сўнг ортига қайтиб кетар шод,  
Силкинади ёнимда қўллар.

\* \* \*

Ҳаёт огоҳ этар —  
Қаршимда меҳмон,  
Ергача бошимни  
Эгаман қулдай.  
Қачон келдингиз, деб  
Бераман савол,  
Қачон кетасиз, деб  
Сўраш ноқулай.





\* \* \*

Ҳаёт, ҳали бисёрми шўрим,  
Ётмай қолар баъзида тоқат.  
Менга жуда чиройли кўрин —  
Кетмоқликка қолмасин ҳожат.

\* \* \*

Ўйдим-чуқур йўллар...  
Қуёш нур сочди,  
Бутун борлиқ аста чўмди зиёга.  
Тонгда туғилган ит  
Кўзини очди —  
Сўнгра ҳадиксираб боқди дунёга.  
Аълочи болалар кетди ўқишга —  
Криловдай вазмин.  
Пастернакдай тик.  
Ўйкудан уйғониб (Ойиси ишда) —  
Бир бола йиғлади тишлари кемтик.  
Чўпон кўйларини ҳайдади қирга,  
Кун яхши бошланди.  
Ҳаётбахш эпкин.  
Йт кетиб боради аллақаярга,  
Ортидан боласи эргашар секин.







\* \* \*

Шамоллар салгина  
Орта чекинди,  
Салгина ўрнидан қўзғолди омоч.  
Нимқора булутлар  
Кўкка беркинди —  
Қалдирғочлар  
Аста ёйдилар қулоч.  
Ташқарига чиқди  
Бир бола учиб,  
Майсалар устига  
Чўзилди шу он.  
Шундоқ яқинида  
Учоқ энтикиб —  
Учиб борар эди  
Ўзга юрт томон.  
Қўлини чўзганди —  
Чўзилди ҳаво,  
Боланинг ҳаваси келиб  
ўртанди.  
Кун ўтди.  
Бола-ку улғайди,  
Аmmo —  
Самолётлар эса  
Учиб кетганди.



---

\* \* \*

Мен  
Сизга  
йилларни  
оралаб  
келдим,  
Кўрсатинг,  
Қаерга қўяйин юкни.  
Сизга мен қўп нарса  
Асраган эдим —  
Уйда қолдирибман шодликни.  
Қаранг, юрак хаста.  
Бемажол қўллар,  
Ана, ажин босиб кетган юзимни  
Тайёрланган эдим о,  
қанча йиллар —  
Уйда қолдирибман ўзимни.

\* \* \*

Қушлар бизни боғлаб олган — илинтириб  
Қандай тушиб қолган эдик қўлларига.  
Қачонлардир, бизни озод қилишар деб,  
Қўз тикамиз эрта-ю кеч йўлларига.



\* \* \*

О, бунчалар зерикарли тун,  
Учиб қолар токчада шамлар.  
Гийбат бошлар узундан-узун —  
Бир-бирига ўхшаш одамлар.  
Толстойни ўқимас ҳеч ким,  
Евтушенко, Пруст йўқ, Вагнер.  
Мени эса йўқолар тинчим —  
Қани, Эдьна, Кафка, Жойс, Бодлер?  
Қани менинг китоб жавоним,  
Қани, Беркли, Августин, Ремарк?  
Қани, Сартр, Элиот, Моэм.  
Кавабата, Картасар, Бальзак?  
Лорка, нима қилсам ўтар тун,  
Қандай қарши оламан тонгни?  
Тушларига кирмайман бугун,  
Анна, Бальмонт,  
Мандельштамнинг...





\* \* \*

Хўрсинасан юрагинг зада,  
Кенг елкангдан ағдарилар тоғ.  
Қўшни уйнинг деворларига —  
Секингина ташлайсан нигоҳ,  
Қийим-кечакларинг ҳар ёнда,  
Ўт қўйишга етмас журъатинг.  
Эссиз, қолиб кетар альбомда —  
Эсдаликка тушган суратинг.

### НОДАР ДУМБАДЗЕ

На чироқ бор, на юлдуз,  
На эшиклар очилар.  
Шамол, ёмғир, ой бесўз —  
Бошқа осмон топдилар.  
Ҳар куним тун. Бўрилар,  
Ўраб олган ҳар ённи.  
Ўлдим, десам кўринар —  
Бир бўлаги осмоннинг.



\* \* \*

Деразамда шуълаланар  
Шамнинг акси,  
Осмонда бир нур кўринмас.  
Ёмғир. Гусса...  
Зулмат, бугун баланд келар  
                                Сенинг дастинг,  
Зулмат, бугун менинг  
                                қўлим бир оз қисқа.  
Ёнгинамдан шамол ўтса —  
Қўймас қараб,  
Ёгаётган ёмғир мени қилмас писанд.  
Кўчалардан ўтказмайди  
Итлар талаб,  
Ўтларингга талатасан  
Иўлга чиқсам.  
Тонг ёришиб қолар ахир  
Тунлар ўтса,  
Иложсизман.  
Қўлим калта. Шалвирар енг.  
Эрта тонглар отиб қолар  
Бугун эса —  
Шамнинг тугаб қолишидан  
                                қўрқаман мен.



\* \* \*

Нимани ҳал этар қиёфам,  
Менинг яшашимдан нима наф?  
Фақат юрак бор гап.  
Мудофаа —  
Лашкарлари тортиб турар саф.  
Ҳаёт, мен учунми ҳаммаси,  
Боғда мен-чун сайрайдим қуш?  
Мен учунми гулларнинг саси —  
Нега унда хаёл фаромуш?  
Совуб ётар чашкада қаҳва,  
Дастурхонда қотиб ётар нон.  
Осмон унча қилмас дағдаға,  
Шамол унча кўтармас сурон.  
Уйғотишдан чўчиб отмас тонг,  
Ваҳимага тушмас она юрт.  
Фақат туннинг усти-боши қон —  
Бир чеккада сақлайди сукут.





\* \* \*

Топсайдим ўзим боп иш,  
Хонам ҳам бўлса чоғроқ.  
Шундай иш бўлса, Сени —  
Ўйламоқдан осонроқ.

## ВАЪДА

Бир оғиз ҳам гапирмайман, хўп,  
Кўз — ҳаммага тушунарли тил.  
Ҳали қиладиган ишим кўп —  
Олис жуда мен борар манзил,  
Бир оғиз ҳам гапирмайман, хўп.  
Сиз айтгандай бўлади бари,  
Тўғри, бизда жой йўқ бўрига.  
Ўлим ҳам йўқ.  
Тун йўқ боргани —  
Қуш ёзаман зогнинг ўрнига.  
Сиз айтгандай бўлади бари.  
Қаршингизда тўқаман савлат,  
Йиғламайман. Йўқ, Менга қолса.  
Фақат ҳеч ким эшитмасмикан,  
Юракларим додлаб юборса,  
Сиз айтгандай бўлади бари.





\* \* \*

Озодликка чиқди бутун халқ,  
Қандай гўзал бўлди қадамлар.  
Пошукурликмасми, бугун ҳам  
Бахт ҳақида ўйлар одамлар.

\* \* \*

Бундай ҳолга тушмаганман ҳеч,  
Мени ҳолдан тойдирар бу ҳол.  
Уйда уйсиздирман эрта-кеч —  
На ёмғир бор, на эсар шамол.  
Ҳамма нарса туюлар майда,  
Ахир ҳамма нарсам бекам-кўст.  
Оқсоч қизни чиқардим ҳайдаб,  
Фақат менга тўртта девор дўст.  
Борми мени тушунгувчи зот,  
Нелар тушиб қолган хатимга?!  
Кел, ёлбориб сўрайман нажот,  
Кел, муҳтожман марҳаматинга.







\* \* \*

Биз кунларни бўлашиб олдик,  
Кимга кундуз тегди...  
Кимга тун.  
Кимга кўпроқ,  
Кимга бир чимдим,  
Кимдир хафа.  
Ким эса мамнун,  
Биз кунларни бўлашиб олдик.  
Йўлга чиқдик елкага ортиб —  
Кимда енгил, кимда офир юк.  
Баъзида тун. Баъзан тонг отиб,  
Юрак олдга интилар дук-дук.  
Биз кунларни бўлашиб олдик.

\* \* \*

Унга ҳеч ким қилмас шафқат,  
Асрай, демас жонини.  
Раҳми келиб, баъзан фақат —  
Ёмғир олар ёнини.  
Унинг боши чиқмас ердан,  
У ўзига йўл очар.  
Аммо унинг ортидан ҳам  
Эргашаркан омовлар.





\* \* \*

Сенга кимдир буюрганми иш,  
Ёки ваъда қилинганми бахт?  
Нима учун баҳор, ёз, куз, қиш —  
Деразамдан қарайсан, дарахт?!  
Алдай десам ёш боламассан,  
Кўзларингни турасан қадаб.  
Баъзан адл, баъзида мастсан —  
Сени ҳатто бўлмайди ҳайдаб.  
Тушираман аста пардани,  
Қўлларимга томади ёшлар.  
Титрай бошлар вужудим мани —  
Қўйлақларим чинқира бошлар.  
Сенга кимдир буюрганми иш?!

\* \* \*

Сал нарсага тўқасан кўзёш,  
Не қўйларга соласан мани.  
О, юрагим, берасанми дош —  
Тақдиримда ўлмоқ бор ҳали.





\* \* \*

Қалин ёғди қор қиш сўнгида,  
Деразалар жилмайди синиқ.  
Бўрон қўшиқ куйлар бир тилда —  
Ер хотиржам.  
Осмон тип-тиниқ.  
Англаяпман — бу сўнги хитоб,  
Англаяпман — бу энг сўнги мушт.  
Қуш ёдида шу охирги боб —  
Бир таассурот қолдирди мудҳиш.  
Хиёлгина кўзлар тортди нам,  
Хиёл исканжага олди вақт.  
Тақвимдаги бошқа ойлардан  
Жозибали бўлиб кўрин, март.

\* \* \*

Соат борар —  
Тўртга яқинлаб,  
Кўзларингда ёниб турар шахд.  
Бу дунёни ўзига чорлаб —  
Тунга тегажовлик қилар Вақт.



---



## ТУШ

### 1

Оёқларим йўлдан қайтадир,  
Ўтказмайди тўрт девор қуршаб.  
Мени пойлаб ётар қайдадир —  
Оппоқ сочли иккита миршаб.  
На шеърим бор.  
На бир китобим,  
На бир қўлим боради ишга.  
Эшик тирқишидан аллаким  
Сув келтирар ёғоч идишда.  
Кимлигимни шунда  
Англайман,  
Наҳот, мен маҳкума...?  
О, ўлдим.  
Титроқ қўлларимга қарайман —  
Ахир кимни ўлдириб қўйдинг?!

### 2

Ўлдирилган умидлар отиб,  
Сайрамоқни унутган қушлар.  
Деворларни ураман қаттиқ —  
Ўз-ўзимга қайтади муштлар.  
Уйғотади кимдир сахарда,  
Туриб қолар кўзимда ёшлар.  
Зиндонларда, ертўлаларда  
Борми ҳали кесилган бошлар?!



## КАМБАҒАЛЧИЛИК

Сенинг махсус гувоҳноманг бор,  
Унга бола-чақанг ҳам шерик.  
Хавас қилар на фақир, на бой —  
Ўнинг муҳри — камбағалчилик.  
Кўчаларда юрасан секин,  
Эргаштириб тўрт-беш болангни.  
Афсус, Сендан сўрамас ҳеч ким —  
Сенинг махсус гувоҳномангни...

\* \* \*

Юр, кетамиз...  
Фақат бўл тезроқ,  
Ҳеч ким кўрмас.  
Тун. Фира-шира.  
Йўл бошида ёндириб чироқ,  
Ўт олдириб турар машина.  
Боғлар ўзи билан ўзи банд,  
Қалин сочларини турмаклар.  
Қўлларини кўтариб баланд,  
Хайрлашар узун тераклар.  
Ёнимизга оламиз тунни,  
Жой қолдирмай кўзёш, аламга.  
Фақат, жоним, бари қайғунгни  
Қулфлаб чиққин уйга — хонангга.  
Юр, кетамиз...





\* \* \*

О, қанча зуғумлар тирик одамга —  
Оқарган мурдага қилмайсан раҳм.  
Қаерга шошасан —  
Ҳар бир қадамда —  
Ҳавф-хатар.  
Ажал бор.  
Хавотир.  
Ваҳм.  
Қисқариб бормоқда йўллар...  
Тун ва кун,  
Ер яқин. Юлдузлар жилва қилган пайт,  
Мен ахир ёнингда борман-ку бугун —  
Эрта ўлмайди, деб ўйлайсанми, айт?  
Яна бир яшашга топсайдим чидам,  
Бу беор юрагим олса ёнингни.  
Мен кўрган-кўрмаган йиллар ичидан  
Чақиргим келади Сенинг номингни.





\* \* \*

Шифохона. Дераза очик,  
Токчаларда уюлган овқат.  
Мева-чева, пишлоф-у қатиқ,  
Дори, укол тахланган қат-қат.  
Бемор оёғида турар тик,  
Ким биландир хайрлашар бот.  
Бунча яхши экан тириклик,  
Бунча яхши экан бу ҳаёт.  
Ичкаридан чиқиб келар чол,  
Ҳар томонга ташлар кўз қирин.  
Ўтраб кетар кўллари беҳол,  
Ииғлар оппоқ сочли кампири.  
Ортда қолар бариси. Чол шод,  
Кампир қадам ташлайди тетик.  
Бунча яхши экан бу ҳаёт,  
Бунча яхши экан тириклик.

\* \* \*

О, кўчада боғлар сурони,  
Юлдузлардан, Ойдан йўқ асар.  
Сени қандай асрайин, жоним,  
Тун кўзини очгунга қадар.





\* \* \*

Ижодхона. Тақиллайди тунока том,  
Дарахтларни йўлдан урар тун боғларда.  
Учоқбоши. Куймаланар онам ҳамон,  
Мен ўзимни ахтараман шамоллардан.  
Қитобларим, дафтар, қалам ҳайрону лол,  
Ўз хонамда шамол юрар мени қувиб.  
Мени қанча йиғлаганим кетар бекор —  
Сочларимни турмаклайди ёмғир ювиб.  
Юрак аста секинлашар. Осмон қарахт,  
Ёзилмаган шеърим гангиб қолар ногоҳ.  
Тонгга бориб уйимдаги ҳар бир дарахт  
Мени тунда кетганимдан бўлар огоҳ.

\* \* \*

На бир сўз дедим сенга,  
На тун бир сўз дегайдир.  
Дод солиб йўлларингга —  
Қўлларим чўзилгайдир.  
Бугун яна йўқ ҳушим,  
Ким билмас, ким билгайдир.  
Бир замон Сенга тушиб —  
Қўзларим тирилгайдир.







\* \* \*

Кўзларим толади уйқусизликдан,  
Хаммадан яшириб чекаман ҳорғин.  
Нима ҳам қилардим —  
Аёл кишиман —  
Кўксимни тўлдириб бормоқда ёнғин.  
Жунбушга келмоқда  
Томиримда қон,  
Бу қандай тириклик —  
Бу қандай ўлим?  
Қариндошим касал.  
Қўшним оч ҳамон —  
Афсус, ўқ отишни билмайди қўлим.  
Юраман ўзимда ўзим дарбадар,  
Кун сайин кучайиб бормоқда дардим.  
Қўлларим забардаст бўлганда агар —  
Ўзимни парчалаб ташлардим.







\* \* \*

Йўртиб борар от.  
Арава.  
Одам кавшаб борар нон.  
Кўча шовқин солар ва... ва...  
Чопар болалар шодон.  
Енгилгина ортилган юк,  
Унча қийналмайди от.  
Юракчалар урар дук-дук,  
Ичига сиғмас ҳаёт.  
Туёқлардан сачрайди ўт,  
Тезлашади арава.  
Болажоним, четроққа ўт —  
Хайр, болалар, ҳа..., ҳа...

\* \* \*

Ер кўкни этар таъқиб,  
Хаёл ҳар томон тўзган.  
Ув, келинчак ой балқиб —  
Ташланиб турар кўзга.  
Юрар қўшни ит ҳуриб,  
Акс-садо келар ердан.  
Тун — кўксини тўлдириб —  
Юлдуз тергани терган.





\* \* \*

Бугун ҳам хира нур  
сочар чироқлар,  
Мен яна атрофга қарайман чўчиб.  
Бир замон меники бўлган учоқлар,  
Қайси осмонларда юришар учиб?  
Ҳали олисмикан мен борар йўллар,  
Кўкдаги қуёш нур сочарми ҳамон?  
Тўлиб оқмоқдами дарёлар, кўллар —  
Денгизлар, яшашни этайми давом?

\* \* \*

Кўл силкийсан ҳавони ёриб,  
Бармоғингда телбаланар кун.  
Очиласан о, кечга бориб —  
Кўзларингда хира тортар мунг.  
Юлдузларни оласан яқин,  
Термуласан гулларга узоқ.  
Шамол эса бошлайди секин,  
Аста чақа бошлайди чақмоқ.





\* \* \*

Жуда ёмон ўтдими туниги,  
Келмадими кўзингга уйқу?  
Нима учун титрайди кўлинг —  
Нечун бунча ғам-ғусса, кўрқув?  
Яширмоқчи бўласан дарҳол,  
Жоним, баланд тугасан бошни.  
Фақат, фақатгина тилинг лол —  
Бармоқларинг билмас алдашни.

\* \* \*

Ер — ерда. Осмон — осмон,  
Яшириниб олган қалб.  
Мен ҳам юрибман ҳамон,  
Дала-боғни оралаб.  
О, бу чинор ким тенги —  
Қушлар кўркмай қурган ин.  
Мендан олдин ким келди,  
Ким келар мендан кейин?





\* \* \*

Тонготарда отлар йўлга отланар —  
Бирин-кетин кишнаб қўяр  
кайфи чоғ.

Орқароқда фақат битта от борар —  
Хорғин қадам босар.  
Кўзлар бечироқ.

Емга оғиз олиб бормас —  
қолар сув,  
Гўё жангу жадал — надир  
портларди.

Тушларида кўриб чиққан эди у,  
Урушларда таслим бўлган отларни.





\* \* \*

Бугун бизни Ўзбекистонда  
Дов-дарахтлар тўқмоқда баргин.  
Қайга боқмай, кимга қарамай —  
Нигоҳларим тортади ғамгин.  
Хаёлимда дала, боғлар, қир,  
Қолган кунин ўтказар додлаб.  
Мен умримнинг қаеригадир —  
Боряпман хазон оралаб.  
Сен-чи?  
Борми бирор жунунда,  
(Есенинни бўлдингми ўқиб?)  
Мен боряпман — шундай кунимда —  
Сени кўриб қолишдан кўрқиб.

\* \* \*

Негадир бонг урар  
Соат ҳар лаҳза,  
Балки мақтамоқчи бўлар у вақтни  
Ҳассага суянган чол-кампир эса —  
Отиб юборгиси келар соатни.





\* \* \*

Тугаб қолар чашкада қаҳва,  
Столимни босади мудроқ.  
Жоним, уйғон, Юрак, ухлама —  
Ахир ҳали поездлар уйғоқ.  
Ҳали шамол юрибди изғиб,  
Ялтирайди кулдонимда чўғ.  
Бу дунёдан кўзини узиб,  
Ҳали осмон ухлагани йўқ.  
Ўқилмаган китоблар қанча,  
Қанча ахир ёзилмаган шеър.  
Нима дейман эрта жавонга,  
Эрта менга нима дейди ер?!  
Самолётлар учмоқда ҳали,  
Ҳали қушлар юришар ўйнаб.  
Ухламайди юлдузлар, Мани —  
Эрта-ю кеч ўзига чорлаб.





\* \* \*

На яшадим...  
На бир шеър ёздим,  
На аввалдан сездим хатарни.  
Чангга ботиб ойдин ёз туни —  
Орқасидан чопдим отларни.  
Менинг эса на аравам бор,  
На елкамда ем тўла хуржун.  
Кўриб туриб, била туриб оҳ,  
Бошлаб қолар эшаклар ҳужум.  
Довдирайман ҳар ёнга чопиб,  
Жиловлайман йиллар отини.  
Қулоқларим остида қотиб —  
Қолар туёқларнинг шовқини.

\* \* \*

Қара, болам, кўкда булут парча-парча,  
Эркатойим, қадамингни босгин билиб.  
Кўчаларда бекор юрма — ҳеч бўлмаса,  
Бу дунёни чалиб юргин ҳуштак қилиб.



\* \* \*

Қўриб кўрмаганга оламан дарҳол,  
Йўл чети...

Муаллим тамаки сотар.

Олдида оёғи қийшайган стол,

Ким гугурт сўрар, ким

тамаки торгар.

Хижолат чекмасин.

Бермайман салом,

Оёғим қалтираб, рангим ўчар қув.

Ҳаёт, Сен қарама, йўлда эт давом —

Менинг адабиёт муаллимим бу.

Юрак чекинмоқда.

Қўзларим тинди,

Йўлдан йўловчилар ўтиб борар тез.

Мен қайдан йўл топай ўзимга энди,

Ахир Сиз бу ҳақда ўргатмадингиз...

Машинадан тушар бир башанг толиб,

Кўзимни юмаман.

Етмас ирода.

Қайтимга қарамас тамаки олиб,

Ўстознинг қўллари қолар ҳавода.

Ўз уйимни топиб бораман аранг,

Ўғлим, китоб ўқир. Қизим шеър

ёдлар.

Менинг жавонимда асаблар таранг —

Сочилиб ётибди адабиётлар.

Бу кунлар умримга қолар асқотиб,



Ухлолмай чиқаман —  
Ўйлаб йилларни.  
Муаллим, тонг отса оламан сотиб —  
Китобдай терилган тамакиларни.  
Бўғзимдан келмоқда  
Бир аччиқ тутун,  
Ичимда ҳайқириқ.  
Қўлим қоп-қора.  
Эҳ, эсиз муаллим...  
Ун беш йил бурун  
Тамаки чекканга кўрарди чора.

\* \* \*

Кўзим, очил!  
Кўкка юра бошладим ман,  
Кўр кунларим. Тунлар  
Ортда қолсин бари.  
Кейин қанча уринсанг ҳам,  
Ютинсанг ҳам,  
Ер остидан кўриб бўлмас  
Юлдузларни...






\* \* \*

Мен ўзимни сон билмадим,  
(Қисматига кўнар ҳар ким)  
Яшадимми, яшамадим —  
Ўзи шундай бўлар балким,  
Яшаш шундай бўлар балким...

\* \* \*

Йўл бошида турибман кутиб,  
Сабрим яна чидар бир озга.  
Юракларим борар ҳайқириб —  
Қанотларим шайдир парвозга.  
Аммо, Сен-ку келарсан етиб,  
Йўлда жисму жонинг бошқарар.  
Озор чекма кимнидир кутиб —  
Йўл бошида турса бошқалар.





\* \* \*

Иш куни кўп...  
Бир кун — дам олиш,  
Хоҳласанг ёт. Хоҳласанг ич май.  
Кўчага чиқ — ўзингда хоҳиш,  
Озодликка чиққан маҳбусдай.  
Бўйинбоғни аввал ечиб от,  
Ўз хонангда юриб кўр секин.  
Дарахтларга қарагин бот-бот,  
Чуқур-чуқур нафас ол эркин.  
Чегарадан чиқма бўлса ёз,  
Эҳтиёт қил ўзингни қорда.  
Сенинг исминг ёзилган қоғоз —  
Умр бўйи турар деворда.

\* \* \*

Ҳаммасига кўникмоқ мумкин,  
Яшаш ахир бошга тушгандир.  
Бу дунёга намуна учун  
Балки Сени келтиришгандир.





\* \* \*

Хиёбонлар хувиллаганда,  
Тўлганида ерларга хазон,  
Хар хил шубҳа уйғотиб манда  
Қушча, мендан сўрайсанми дон?!  
Осмон сўрадимми мен Сендан,  
Юлдузларга қўл чўздимми, айт.  
Сен сўра — Мен гапирай шеърдан,  
Юрак ташқарига чиққан пайт.  
Нима сўрсанг — бердим борида,  
Бу нима кун,  
Бу қандай қаҳр?  
Узимни ҳам ернинг олдида —  
Қарзим тўлиб ётибди ахир.  
Қимга борсанг, боргин, арз этиб —  
Нималарга қодир идрокинг?  
Дарахтларни Сенга қолдириб,  
Уйдан чиқиб кетайми ёки?...  
Хиёбонлар хувиллаганда,  
Тўлганида ерларга хазон,  
Хар хил шубҳа уйғотиб манда —  
Қушча, мендан сўрайсанми дон?!  
«





\* \* \*

Дарвозада турар янги кун,  
Дук-дук урар кўксида юрак.  
Кимни дафн этишар бугун,  
Қайси уйда туғилар гўдак?  
Одамлар ҳам даҳшатга тушмас,  
Оддий қарши олинар қувонч.  
Илон эркин лади нафас,  
Қалдирғочлар ёяди қулоч.

\* \* \*

Хижолатман.  
Гунгман олдингда,  
Керакмиди Сенга қўзёш, ғам?  
Мен дунёни англаганимда —  
Сен туғилиб бўлгандинг, болам.





\* \* \*

Ердаги йўлларим тугар эҳтимол,  
Балки тушдан кейин...  
Балки туш вақти.  
Балки оҳ чекарсан: “Бир кунгина қол —  
Ерда ўтган кунларинг ҳаққи”.  
Энг сўнги сўзимни тураман тишлаб  
Йиғлайсан.  
Елкамга ташлайсан ридо.  
Мен эса ўйлайман: “Қўлингни ушлаб,  
Битга сўз айтсайдим, жоним, алвидо”.

Фақат, фақатгина қўл бўлар бежон,  
Фақат қаролмайман кўзингга эркин.  
Балки сўз айтишга топарман имкон,  
Балки қўлларингни ушларман секин.







\* \* \*

Тупроққа тушади ернинг ҳосили,  
Бу азалдан бор гап.  
Бу ҳам ақида.  
Балки газетада чиқар босилиб —  
Менинг ўлганлигим ҳақида...  
Қимнингдир чўнтакда тугилар мушти,  
Қимнингдир кўнглига дарз кетар, синар.  
Ўзининг ҳаёти эсига тушиб —  
Қимдир енгилгина хўрсинар.  
Дарахтлар улғаяр —  
Боғлар беҳадик,

Ашъорлар ёзилар.  
Босилар китоб.  
Очилиб-ёпилар о, қанча эшик,  
Қайсидир дераза тоб ташлар шитоб.





\* \* \*

Аста-секин тонглар отмоқда,  
Аста-секин қуримоқда қон.  
Битта дарахт йиғлар. Қамоқда  
Ҳали-бери отмагайдир тонг.  
Бетонларда қотиб қолган вақт,  
Бир хил дарду фиғон, йиғиси.  
Ҳамма нарса эскидир. Фақат —  
Янгиланиб турар қон иси.

\* \* \*

Ер бемажол. Зилзила,  
Ўчиб қолар гоҳ чироқ.  
Боғлар йиғлаб арз қилар —  
Ҳеч кимса солмас қулоқ.  
Дунё қўйилган тўсиб,  
Нафас олар ютиниб.  
Чиқиб келар қиз кўкси,  
Бир-бирига туртиниб.





\* \* \*

Қадамимдан думалар тошлар,  
Исканжага олар ўнгу сўл.  
Мени қайга бормоқда бошлаб,  
Мени олиб кетаётган йўл?!  
Ёки суҳбат қурмайди дилдан,  
Кўриниши миршабларга хос.  
Наҳот мени одам ўлдирган —  
Маҳкумага айлайди қиёс.  
Хаёл сурсам — тортар қўлимдан,  
Олдга юрсам — дарвозалар берк.  
Охир чиқармикан йўлимдан,  
Мен ахтариб бораётган эрк?

\* \* \*

Қанотсиз ҳам учаман — учсам,  
Кўнглим осмон каби бетизгин.  
Бир лаҳзага ерга тушсам ҳам —  
Оёқларим бермагай изн.



\* \* \*

Қушлар билан тўлди  
қатлгоҳ,  
Сариқ қора..  
Қушларки ҳар хил.  
Шамол эсиб ўчганда  
чироқ —  
Дарахтларни этишар  
қатл.  
Йўл бошида ҳамма  
йиғилган,  
Қўлларида милтиқлар  
шамлар.  
Наҳот ахир шундай  
йиғиндан  
Ҳамиша кеч қолар  
одамлар.





\* \* \*

Туғилиш ҳам қаердадир пул,  
Улмоқ мудом тушар текинга.  
Менга эса ҳаётда, нуқул —  
Қул бўлмоқлик тушар чекимга.

\* \* \*

Камон. Юрак. Полга қон томар,  
Ой сурати.  
Кишанланган қўл.  
Бир бурчакдан тун шовқин солар —  
Қетмоқ учун ахтаради йўл.  
Ўтказгани қўймас  
Маҳбуслар,  
Тун тиз чўқар. Ялинар. Титроқ.  
Миршаб милтиғидан ўқ узар —  
Бошланади яна бир ихроқ.  
Зах турмада анқийди тутун,  
Ҳаёт Секин тушади изга.  
Девордаги кема, уззукун,  
Мактуб ёзиб чиқар денгизга.





\* \* \*

Кел, меҳрингни тутмагин дариг,  
Ҳаво салқин тортмоқда. Чақин.  
Менинг борар йўлим ёп-ёруғ —  
Менинг борар осмоним яқин.  
Оқ тераклар эгади бошин,  
Кўз тикмоқда Липа йўлингга.  
Бир кун менинг аччиқ кўзёшим  
Тўлар Сенинг ҳовучларингга.

\* \* \*

Бугун боғлар қора кийимда —  
Майсаларни қоплади заҳар.  
Юзин тўсиб менинг уйимда —  
Уввос солиб йиғлади шаҳар.  
Гумбурлади нимадир кўкда,  
Чангаллади кўксин алаким.  
Қора халққа отилган ўқдан  
Яраланди менинг юрагим.





\* \* \*

Хайрли тун!  
Хайрли оқшом,  
Мени қарши олар ўз хонам.  
Китобларни чорлаб номма-ном,  
Столимда ёниб турар шам.  
Бундай бахтни бўлмайди шарҳлаб,  
Деразамни очаман. Қушлар.  
Фақат кўзларидан ўт чақнаб,  
Шоҳсупада турар мушуклар.  
Ой товланиб нур сочар кўкда,  
Юлдузларда ширин ҳаяжон.  
Гул лабидан тун олар бўса —  
Ер юзига тўкилар маржон.





\* \* \*

Тарвуз ёрилмоқда пайдар-пай,  
Полиз пардоз билан овунар.  
Кўпроқ ичиб қўйган одамдай  
Думалашиб ётар қовунлар.  
Дехқонларнинг билгани билган,  
Шеър фами йўқ. Мизғир пешинда.  
Мен кўзимни юмишим билан  
Итлар талаб чиқар тушимда.

\* \* \*

Чарчадим  
Йўл ярмида,  
Бош оғрир, йўтал тутар.  
Нима дер мен ҳақимда —  
Алвидо, ўзга юртлар!  
Тушиб қолдим қайларга,  
Мудроқ босмоқда мани.  
Мен бормаган жойларга —  
Шеърларим борар ҳали.





## МУНДАРИЖА

«Йўқ, бунақа бўлмайди яшаш...» .....	3
Мактуб .....	4
«Келиб қолдим...» .....	4
«Узун йўлак...» .....	5
Аксиома .....	5
Хасис одам .....	6
«Қандай кечар тун бориб-бориб...» .....	6
Эгише Чаренц .....	7
Ўлим .....	8
«Ҳеч ким билан гаплашгим йўқ...» .....	8
Дарахтлар .....	9
«Йўл бор эди...» .....	9
Куз .....	10
Туғилган кунимда .....	10
«Ўйласам — нафасим...» .....	11
«Бу майда ташвишлар чиқди ўйиндан...» .....	11
Шамол .....	12
«Кўкда қуёш қовжирар...» .....	13
«Дов-дарахтлар туртиниб...» .....	13
«Ҳали тонг отмай туриб...» .....	14
Хулоса .....	14
«Яхшиям йўқ қанотинг...» .....	15
«Шамолдайин учдим...» .....	15
«Бу кеч на ёмғирман...» .....	16
«Шамолнинг бошқача оёқ олиши...» .....	18
«Нима деса...» .....	18
Йўловчи... .....	19
«Қушлардан ном-нишон йўқ...» .....	19
«Мен ўзимга...» .....	20
Баҳор .....	20
«Ҳар кун...» .....	21
«Итларнинг ҳам онаси бор...» .....	21

«Йўл ёқалаб борар бир аёл...» .....	22
«Кўпдан буён йўл юрар...» .....	23
«Кўкда ҳали...» .....	23
«Ёпиқ эшикларнинг...» .....	24
Ўлим .....	25
Иккилик .....	25
«Тонг отмасдан чўка бошлар тун...» .....	26
«Ўтириб кимнингдир рўпарасида...» .....	27
«Қушларни кута-кута...» .....	27
«У одам жуда тинч...» .....	28
«Кечагидек ўтмади бугун...» .....	28
«Ҳали тонгнинг отишига бор...» .....	29
«Баъзида осмонга учаман...» .....	30
«Тўс-тўполон...» .....	31
«Нега анув мурғак...» .....	31
«Ҳаёт сени чиндан севади...» .....	32
«Кун ботар...» .....	32
«Дўстим бўласанми...» .....	33
«Ғақат чидаб туролмайди тил...» .....	34
«Қараб турганида юлдузлар...» .....	34
«Сен ҳақда ўйлайман...» .....	35
«Юксалиб бормоқда ой борган сайин...» .....	36
«Бир зум юммас кўзини...» .....	37
«Борлиқ узра чўкди тун...» .....	37
Муин Бсису .....	38
«Қаранг, ҳамма иш келар...» .....	38
«Кунботарда ялтирайди...» .....	39
«Самовот паришон...» .....	40
«Юрагинг қаерда жойлашган, Замин...» .....	40
«Шамоллар бемалол ўтар ёнимдан...» .....	41
«Ҳатто кимлигимни...» .....	41
«Барибир ҳам кетди у...» .....	42
«Ер уйқуда...» .....	42
«Чинқираман: — Қайга тушдинг...» .....	43
Туш .....	43
«Юрагим кетмоқда...» .....	44
«Тун пойгакка ётди юзтубан...» .....	45
«Аниқ менга бўлган нимадир...» .....	45
«Ниҳол бўлсам — қайдан жой топар эдим...» .....	46

«Тонггача кўз юммади шаҳар...»	47
«Қийин бўлди толни йиқитмоқ...»	47
«Қирдан подалар қайтди...»	48
«Булутлар йиғлаб юм-юм...»	48
«Деразанг китобдай очилар маъюс...»	49
«Ёлғиз одам...»	50
«Шамоллар этмайди чурқ...»	50
«Бургут ўзин...»	51
«Қиш келдими...»	51
Ҳаёт	51
«Қиз йиғлар...»	52
Гўё...	52
«Шовқин кўтарилар кўчада...»	53
«Қанча яширмасин боғ...»	53
Шубҳа	54
«Бу ит жуда ажойиб...»	54
«Наҳотки кунларинг...»	55
«Мана, тун ҳам оғди ярмидан...»	55
Деразадаги гул	56
«Тонг — ишга қуролсиз отланган миршаб...»	57
«Қолар фақат...»	57
«Воз кечаман барчасидан...»	58
«Ҳар куни ўрнимдан тураман сапчиб...»	58
«Атрофингда дарахтлар қатор...»	59
«Нега қарадим ўзи...»	59
«Кишанланган одам. Авахта...»	60
«Ҳар кунгидан эрта отди Тонг...»	60
«Дала-боққа қиров тушди...»	61
«Хушомадни қойиллатдим...»	62
«О, шошма-шошар йиллар...»	62
«Бозор гавжум...»	63
Маҳбус	63
«Кунлар ими-жимиди...»	64
«Кунлар...»	64
«Бу ҳаёт бешафқат...»	65
«Уст-бошинг ҳўл...»	66
«Орамиздан ўтмас...»	67
«Заргар зор...»	67
«Тўғри келиб қолар кетишга...»	68

«Тонг оқариб-оқармас...»	69
«Фақат кўкнинг...»	69
«Жисмим ҳаво сўраб...»	70
«Оқибатли...»	70
«Ҳамма нарса қолсин, майли...»	71
Шоирга	72
«Булутлар — осмонга...»	73
Гуноҳ	74
«Не гап келса — қайтармайди...»	74
«Тун. Эшиклар гичирлар нохуш...»	75
«Январь, февраль...»	75
Дарахт	76
«Пианино ғамгин...»	76
«Кўзим яхши кўрмаганлиги боис...»	77
«Баъзан ҳақиқатлар ...»	77
Апрель	78
«Чайқалтирмай...»	78
«Осмон бир қорайиб сўнгра ёришди...»	79
«Тун — Шаҳар қўйнида...»	80
«Термуламан от ортидан...»	80
«Эшик қулфланган...»	81
«Соат тўнги уч...»	82
«Тўс-тўполон...»	82
«Бир амаллаб...»	83
Ёлғон	83
«Сайхонликда...»	84
«Ҳаракатга тушган ер шари...»	84
«Январь. Оппоқ дастурхон. Овқат...»	85
«Дунё, энди қайга қараб кетаяпман...»	85
«Тун ухлолмас ҳар хил ўйдан ...»	86
«Илиқ кунлар қолди ортда...»	86
«Бурилиб қарайман...»	87
«Йўллар-йўлакларга ташланди узун...»	88
«Балки кўп нарсадан...»	88
«Рўпарамда биргина стул...»	89
«Йўтал тутди яна кимнидир...»	89
«Ўзимни беркитиб...»	90
Тун	90
«Боққа кира бошлади файз...»	91

«Еру осмон тортади вазмин...» .....	91
«Бир зумда боғларни...» .....	92
«Тун бетоқат, бечидам...» .....	94
Ёз .....	94
Аёл .....	95
«Келар ҳорғин, бечирой...» .....	95
«Кел, ўзимга қўйиб бер...» .....	96
Ёз .....	96
«Мен яна қайтадан...» .....	97
«Стул. Стул. Китоб жавони...» .....	98
«Ҳовучимни очсам...» .....	99
«Ўуда қизғонаман Вақтни...» .....	99
«Боғлар ўтмишини кўп эслар...» .....	100
«Қайдан «тиқ-тиқ» эшитилар...» .....	101
«Совуқ кунлар...» .....	101
Қизим Самодилга .....	102
«Хайрият, олисда жойлашган осмон...» .....	102
«Ногоҳ эшик тақиллайди...» .....	103
«Мени осмон чорлар ўзига...» .....	104
«Кечагина экилган дарахт...» .....	104
Ер .....	105
«Аввалгидан оғир тортди ер...» .....	105
«Қаергадир хаёлим қочиб...» .....	106
Телефон .....	106
«Бугун уйдан чиққим йўқ...» .....	107
Осмон .....	108
Музейлақ .....	108
«Тирикман...» .....	109
«Дунё. Деразалар. Титроқ. Қалб...» .....	109
«Ҳамма нарса ўйланган...» .....	110
Эртак .....	110
«Поезд келар...» .....	111
«Ҳаёт огоҳ этар...» .....	111
«Ҳаёт, ҳали...» .....	112
«Ўйдим-чуқур йўллар...» .....	112
«Шамоллар салгина...» .....	113
«Мен Сизга йилларни...» .....	114
«Қушлар бизни боғлаб олган» .....	114
«О, бунчалар зерикарли...» .....	115

«Хўрсинасан юрагинг зада...» .....	116
Нодар Думбадзе .....	116
«Деразамда шуълаланар...» .....	117
«Нимани ҳал этар қиёфам...» .....	118
«Топсайдим ўзим...» .....	119
Ваъда .....	119
«Озодликка чиқди...» .....	120
«Бундай ҳолга...» .....	120
«Биз кунларни бўлашиб олдик...» .....	121
«Унга ҳеч ким...» .....	121
«Сенга кимдир...» .....	122
«Сал нарсага...» .....	122
«Қалин ёғди қор...» .....	123
«Соат борар...» .....	123
Туш .....	124
Камбағалчилик .....	125
«Юр, кетамиз...» .....	125
«О, қанча зуғумлар тирик одамга...» .....	126
«Шифохона. Дераза очиқ...» .....	127
«О, кўчада...» .....	127
«Ижодхона...» .....	128
«На бир сўз дедим сенга...» .....	128
«Кўзларим толади...» .....	129
«Азизим, илтимос...» .....	130
«Йўртиб борар от...» .....	131
«Ер кўкни этар таъқиб...» .....	131
«Бугун ҳам...» .....	132
«Қўл силкийсан...» .....	132
«Жуда ёмон ўтдим тунинг...» .....	133
«Ер — ерда...» .....	133
«Тонготарда отлар...» .....	134
«Кетиш мумкин...» .....	134
«Бугун бизни Ўзбекистонда» .....	135
«Негадир бонг урар...» .....	135
«Туғаб қолар...» .....	136
«На яшадим...» .....	137
«Қара, болам...» .....	137
«Кўриб кўрмаганга...» .....	138
«Кўзим, очил...» .....	139

«Мен ўзимни» .....	140
«Йўл бошида турибман...» .....	140
«Иш куни кўп...» .....	141
«Ҳаммасига кўникмоқ мумкин...» .....	141
«Хиёбонлар ҳувиллаганда...» .....	142
«Дарвозада турар янги кун...» .....	143
«Ердаги йўлларим...» .....	144
«Тупроққа тушади...» .....	145
«Аста-секин тонглар...» .....	146
«Ер бемажол...» .....	146
«Қадамимдан думалар тошлар...» .....	147
«Қанотсиз ҳам учаман...» .....	147
«Қушлар билан тўлди қатлгоҳ...» .....	148
«Туғилиш ҳам...» .....	149
«Камон.Юрак...» .....	149
«Кел, меҳрингни...» .....	150
«Бугун боғлар қора кийимда...» .....	150
«Хайрли тун...» .....	151
«Тарвуз ёрилмоқда...» .....	152
«Чарчадим...» .....	152

*Адабий-бадиий нашр*

**Хосият Рустамова**

**ДЕВОР**

*Шеърлар*

Муҳаррир *Жонибек Субҳон*  
Мусаввир *Рустам Зуфаров, Даврон Ражаб*  
Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*  
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*  
Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Галина Отаскевич*

ИБ N 4388

Босишга 01.03.06 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Таймс  
гарнитураси. Офсет босма 8,40 шартли босма тобоқ, 10,0 нашр тобоғи.  
Жами 5000 нусха. 48 рақамли буюртма. 13—2006 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

700128. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.